Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи**

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН
№ 193 (14.055).

1968 АВГУСТ 18 ЯКШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ ЛОЧИНЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР!

Шу кунларда учувчилар Тошкент саноат корхоналари ва муассасалари коллективларининг азиз меҳмонлари бўлишди. Авиация ветеранлари СССР Ҳаво флоти куни тўғрисида суҳбатлар ўтказмоқдалар, совет лочинларининг кўрсатган жасоратларидан гапириб бермоқдалар, Ватан уларнинг қўлига бериб қўйган қудратли техника тўғрисида сўзламоқдалар.

Умумхалқ байрами шарафига авиациямиз босиб ўтган шонли йўлни, унинг ҳозирги кунини тасвирловчи виставкалар очилди. Шаҳардаги маданият ва истироҳат боғлари шонли кунга атаб халқ сайиллари уюштирмоқдалар.

СССР Ҳаво флоти кунига бағишлаб, 16 августда Тошкентда тантанали йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда авиация генерал-лейтенанти, Совет Иттифоқи Қаҳрамони С. Ф. Долгушин доклад қилди.

(ЎзТАГ).

ЛЕНИННИНГ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖОЙЛАРГА САЁҲАТ

Республика колхоз ва совхозлар тарихи жамоат институти кенгашининг мажлиси бўлди. В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик муносабати билан Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ветеранларидан 350 кишининг Ленин ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган жойларга сафарини уюштириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Махсус «дўстлик» поезди биринчи сентябрда йўлга чиқади.

Институт совети Президиуми раисининг ўринбосари Ғ. И. Йўлдошев Ўзбекистон телеграф агентлигининг мухбири билан суҳбатда бундай деди: Ҳозирги вақтда областларда республика қишлоқ хўжалигини социалистик негизда қайта қуришда қатнашганлар орасидан экскурсиячилар танланмоқда. Булар биринчи колхоз ва совхозларни ташкил этган кишилар, донгдор одамлар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш новаторлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, Давлат мукофоти лауреатларидир. Уларнинг энг кичиги 70 ёшда.

Мамлакат бўйлаб қилинадиган сафарнинг маршрутлари белгиланди. Экскурсиячилар улуғ Лениннинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган шаҳарларга — Ульяновск, Қозон, Ленинград, Москвага борадилар.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ. Сариосиё районидаги «Янги рўзғор» колхозининг Абдусаттор Сайриддинов бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил кўтариш учун ғўза парваришини намунали ташкил этганлар. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар туп ғўзада 10-12 тадан бўлиқ кўсак санаш мумкин. Суратда: А. Сайриддинов пахтазорда.

А. Тўраев фотоси.

МУСОБАҚА ШАРТЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

ЎРИНЛИ ЭЪТИРОЗЛАР

Мусобақадош Фарғона область ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари бир неча кун давомида Қашқадарё область далаларида бўлишиб, олинган социалистик мажбуриятларни бажариш йўлида олиб борилаётган ишлар билан танишдилар. Илғор хўжаликлардаги муваффақиятдан хурсанд бўлдилар, камчиликларни рўйирост очиб ташладилар. Фарғоналик пахта усталари қизғин мунозаралар, ажойиб учрашувлар ўтказдилар. Ўзаро текшириш группасининг раҳбари — Фарғона область партия комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири Сирожиддин Ҳолдоров суҳбатда қуйидагиларни айтди:

— Қашқадарё областининг деярли барча хўжаликларида бўлдик. Бу йил Ғузор район хўжаликларида сув камчилиги сезилмапти. Чунки, Пачкамар сув омборида ҳар йилгидан ҳам кўпроқ сув тўпланган экан. Лекин кўпгина бригадаларда сувдан нотўғри фойдаланиляпти. Масалан, Ленин номли колхознинг Эргаш Бозоров бошлиқ бригадаси етарли миқдорда сув олаётганига қарамасдан бир неча гектар ердаги ғўзани ниҳоятда чанқатиб қўйган. Натижада ўсимлик ривожланишдан қолиб, гул ва шонасини ташлаб юборяпти. Худойназар Тўрақулов бошлиқ бригадада ҳам ачинарли аҳволнинг гувоҳи бўлдик. Бу ерда сувчилар иши устидан мутлақо назорат йўқ. Бригада сувчилари Мели Очилов, Дўстқобил Шариповлар эгатларга сув тараб, уйларига кетиб қолганликларини кўрдик. Хўжаликда табақалаб суғоришга мутлақо эътибор йўқ.

Бундай аҳволни Қамаши районининг «Коммунизм йўли», Ленин номли колхозларида ва Косон район хўжаликларининг қатор бригадаларида ҳам кўрдик. Шаҳрисабзлик деҳқонлар бу йил она-Ватанга 80 минг тонна «оқ олтин» туҳфа қилиш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Лекин пахта йиғим-теримига тайёрлик районда қониқарсиз аҳволда. «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг (раиси А. Бедросов) устахонасида 80 та пахта териш агрегати ремонт қилинмасдан турибди. Район бўйича 117 машина йиғим-терим мавсумига тайёр эмас.

Далада ишлаётганларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш, оммавий-сиёсий ишларнинг бориши ҳам бизни қониқтирмади. Дала шийпонларида «Жанговар варақа»лар вақтида чиқариб турилмайди.

Фарғоналик мусобақадошлар сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, ғўза парваришини пахта йиғим-терими бошлангунга қадар давом эттириш ҳақида маслаҳат бердилар.

П. ГАДОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҚОРАКЎЛЧИЛАРНИНГ СЕМИНАР-КЕНГАШИ

БУХОРО. [«Совет Ўзбекистони» мухбири]. Кейинги йилларда Бухоро область қоракўлчилари яхши тажриба устида иш олиб бормоқдалар. Улар кумуш рангли сур териларни етиштиришни янада кўпайтириш йўлида астойдил меҳнат қилишяпти. Илгари қимматбаҳо сур терилар фақат 4-5 та хўжаликдагина етиштириларди. Яйлов баҳодирлари сурчиликни ривожлантириш мақсадида зотли қўчқорларни бир хўжаликдан иккинчи хўжаликка, бир яйловдан иккинчи яйловга кўчиришни тажриба қилиб кўрдилар. Бу изланишлар беҳуда кетмади.

Ҳозирги кунда сур терилар етиштириш кенг йўлга қўйилмоқда. Свердлов районидаги «Ўзбекистон», Навоий номли, Свердлов номли колхозлар, Ғиждувон районидаги «Кўкча», Калинин номли, Конимех районидаги «Октябрь 40 йиллиги», «Коммунизм» совхозлари қоракўл терининг сур навини етиштиришдан катта даромад олмоқдалар. Худди шундай қоракўл терилар эндиликда Самарқанд областидаги «Қарноб», «Нурота» совхозларида, Сирдарё ва Қашқадарё областларининг бир қатор хўжаликларида ҳам етиштирилмоқда. СССР Қишлоқ хўжалиги, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси ва Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги томонидан Бухорода ўтказилаётган қоракўлчиларнинг республикалараро семинар-кенгашининг мақсади олтин ва кумуш рангли сур қоракўл терилар етиштиришни янада кўпайтиришга қаратилгандир. Семинар-кенгашда республикамиздаги қоракўлчилик илмий текшириш институтининг ходимлари, қоракўлчилик ва ихтисослаштирилган хўжаликларнинг раҳбарлари, Қозоғистон ССР, Туркманистон ССР, Тожикистон ССР, Украина ССР, Молдавия ССР ва бошқа қардош республикаларнинг вакиллари, Бутуниттифоқ қоракўлчилик бош бошқармаси, Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-текшириш институти, Бутуниттифоқ чорва моллар наслчилик бирлашмаси, республика қишлоқ хўжалигининг йирик мутахассислари ҳамда Бухоро область партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этмоқдалар.

Семинар-кенгашда Бутуниттифоқ қоракўлчилик бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Д. Ф. Бойко «Сур териларни етиштиришда наслчилик ишларининг аҳволи ва уни ривожлантириш методлари тўғрисида» доклад қилди. Шунингдек, семинар-кенгаш иштирокчилари «Союзпошлина» Бутуниттифоқ бирлашмаси раисининг ўринбосари Л. А. Симонов, Ўзбекистон ССР қоракўлчилик бош бошқармаси бошлиғи А. Қораев, Қозоғистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг ходими М. Д. Тавитов, Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-текшириш институтининг директори К. Н. Ниёзов, Бутуниттифоқ чорвачилик илмий текшириш институтининг илмий ходими Н. С. Гигиншвили ва бошқа ўртоқларнинг докладларини тингладилар.

Семинар-кенгаш ўтказилаётган область театри залида олтин ва кумуш рангли товланувчи сур терилар кўргазмаси ташкил этилган.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ўртоқ Г. А. Габриельянц қатнашмоқда.

Т. НАЗИРОВ.

Коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида тағин ҳам кўпроқ ижодий ташаббус кўрсатайлик. Коммунизм учун курашнинг революцион марксча-ленинча байроғини баланд кўтарайлик!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИДАН).

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ

РАЙОН ГАЗЕТАЛАРИ ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ СЕМИНАРИ

МОСКВА, (ТАСС мухбири). Район газеталари хатлар бўлими мудирларининг беш кун давом этган семинари 15 августда ёпилди. Семинарни СССР Журналистлар союзи билан СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси ўтказди. Семинар қатнашчилари «Хатларни қараб чиқиш ишларини ва меҳнаткашларни қабул қилишни уюштиришни яхшилаш тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг қарорини бажариш юзасидан матбуотнинг вазифаларига асосий эътибор бердилар.

Докладчи, «Правда» газетаси хатлар ва оммавий ишлар бўлимининг редактори А. Блатин ва музокарада сўзга чиққан кишилар КПСС Марказий Комитетининг ана шу қарори катта сиёсий аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

«Правда», «Известия» ва «Комсомольская правда» газеталарининг журналистлари семинарда меҳнаткашлар хатлари билан ишлаш тажрибасини ўртоқлашдилар.

Семинар қатнашчилари учун СССР Журналистлар союзи, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Матбуот комитети, КПСС Марказий Комитетининг вакиллари нутқ сўзладилар.

Семинар иштирокчилари В. И. Лениннинг Кремлдаги иш кабинети ва квартирасини ҳамда «Правда» газетаси редакциясини бориб кўрдилар.

КЎП НУСХАДА НАШР ЭТИЛДИ

Сиёсий адабиёт нашриёти КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига тайёргарлик тўғрисида»ги қарорини брошюра қилиб босиб чиқарди.

Брошюра кўп нусхада нашр этилди.

(ТАСС).



САМАРҚАНД ОБЛАСТИ. Ўтган йили Жомбой пахта тайёрлаш пункти 30 минг тонна пахтани қайта ишлаган ва истеъмолчиларга жўнатган эди. Ҳозир бу ерда янги ҳосилни қабул қилишга тайёргарлик қизғин давом этмоқда. 25 та лентали транспортёр тахт қилиб қўйилган. Суратда: Жомбой пахта тайёрлаш пунктида.

А. Кузьменко фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

САМИМИЙ ТАБРИК

Болгария Компартияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, Болгар — Совет дўстлиги умумхалқ комитетининг раиси ўртоқ Цола Драгойчевага

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети туғилган кунингизга етмиш йил тўлиши муносабати билан сизни самимий қутлайди.

Болгар — Совет дўстлиги умумхалқ комитети раиси лавозимида сизнинг кўп йиллик самарали фаолиятингиз, совет ва болгар халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга сизнинг шахсан қўшган ҳиссангиз Совет Иттифоқида яхши маълум.

Азиз ўртоқ Цола Драгойчева, сизга сиҳат-саломатлик ва болгар халқи бахт-саодати йўлидаги ҳамда тинчлик ва коммунизм манфаатларини кўзлаб бузилмас Совет — Болгар дўстлигининг янада равнақ топиши йўлидаги фаолиятингизда янги муваффақиятлар тилаймиз.

Л. БРЕЖНЕВ,
Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари.

ЦОЛА ДРАГОЙЧЕВА ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАНДИ

СССР Олий Совети Президиуми болгар ва совет халқлари қардошларча дўстлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшганлиги учун ҳамда туғилган кунига етмиш йил тўлганлиги муносабати билан Бол[illegible] Коммунистик партияси [illegible] Комитети Сиёсий [illegible] аъзоси. Болгар — [illegible] дўстлиги умумхалқ коми[illegible] нинг раиси ўртоқ Цола [illegible] гойчевани Ленин орде[illegible] лан мукофотлади. (ТА[illegible]

Ўртоқ А. Н. Шелепин Ленин ордени билан мукофотланди

Коммунистик партия ва совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВЦСПС раиси ўртоқ Александр Николаевич **Шелепинни Ленин** ордени билан мукофотлади.

(ТАСС).

МАРШАЛГА МУКОФОТ

Совет давлати ва СССР Қуролли Кучлари олдидаги хизматлари учун ҳамда туғилган кунига етмиш йил тўлганлиги муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми Совет Иттифоқи Маршали Матвей Васильевич **Захаровни Октябрь Революцияси** ордени билан мукофотлади. (ТАСС).

СССР мудофаа министрининг БУЙРУҒИ

1968 йил 18 август № 202 Москва шаҳри

Учувчи ва штурман, инженер ва техник ўртоқлар, ҳарбий ва граждан авиацияси мутахассислари, авиация саноатининг ходимлари, ДОСААФ спортчи авиаторлари!

Авиация ветеранлари ўртоқлар!

Солдат ва матрос, сержант ва старшина, офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Бугун бизнинг халқимиз ва унинг ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ СССР ҲАВО флоти кунини байрам қиладилар.

Совет кишилари бу традицион байрамни КПСС XXIII съезди тарихий қарорларини муваффақият билан амалга оширилаётган ҳамда Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудрати янада мустаҳкамланаётган бир вазиятда нишонламоқдалар. Совет халқи беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун зўр қудрат ва ижодий куч-ғайрат билан курашмоқда, В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқда.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг тинмай қилаётган ғамхўрлиги туфайли СССР Ҳаво флоти узлуксиз такомиллашиб ва мустаҳкамланиб бормоқда, фан ва техниканинг энг яхши ютуқлари билан таъминланмоқда.

Мамлакатимизнинг бутун армияси ва флоти сингари ҳарбий-ҳаво кучлари ҳам халқнинг тинч яратувчилик меҳнатини пухта қўриқлаб турибди, социалистик Ватанни ҳимоя қилишга ҳамиша шай турибди.

Граждан авиацияси ходимлари, авиация саноати меҳнаткашлари, ДОСААФ спортчи авиаторлари СССР Ҳаво флоти кунини янгидан-янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар.

Жаҳондаги ҳозирги вазият халқаро кескинлик бўшашмаётганлигидан далолат бермоқда. Америка империализми озодлик учун курашаётган халқларга қарши ўзининг зўравонлик сиёсати ва очиқдан-очиқ босқинчилик ҳаракатидан воз кечгани йўқ. У аввалгидек Вьетнамда қароқчилик урушини олиб бормоқда, яқин Шарқда Исроил агрессорларини қўллаб-қувватламоқда. Қуролланиш пойгаси тўхтатилгани йўқ. Янги фашизм кучлари ўсиб бораётган Ғарбий Германиядаги милитаристлар чегараларнинг қайтадан тузилишини талаб қилмоқдалар ва ядро қуролига эга бўлишга интилмоқдалар. Империализм социализм мамлакатларига қарши диверсияни кучайтирмоқда, уларнинг бирлигини, халқаро коммунистик ҳаракат жипслигини бўшаштиришга уринмоқда.

Ана шундай шароитда авиатор жангчилар ватан ўз қўлларига бериб қўйган даҳшатли қурол ва техникани бундан буён ҳам сабот-матонат билан эгаллаб боришлари, Улуғ Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилиш учун ўз ватанпарварлик бурчларини бажаришга ҳамиша тайёр туришлари керак.

Умумхалқ байрами — СССР Ҳаво флоти куни билан сизларни табриклайман ва қутлайман.

Жанговар ва сиёсий тайёргарликда, ҳарбий интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлашда, Совет авиациясининг шонли традицияларини кўпайтиришда ҳарбий авиациянинг шахсий составига янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Биринчи даражали авиация техникасини яратиш ва ўзлаштиришда авиация саноати, граждан авиацияси ходимларига, ДОСААФ спортчи авиаторларига янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

СССР Ҳаво флоти кунини нишонлаш учун БУЮРАМАН:

Бугун, 18 августда маҳаллий вақт билан соат 21 да Ватанимизнинг пойтахти — қаҳрамон шаҳар Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар — Ленинград, Волгоград, Севастополь, Одессада ва қаҳрамон қалъа — Брестда тўплардан йигирма марта ўқ узиб, салют берилсин.

Яшасин улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Яшасин шавкатли Совет Ҳаво флоти!

Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

СССР мудофаа министри
Совет Иттифоқи Маршали
А. ГРЕЧКО.

„КУЛСАРА“ НАСОС СТАНЦИЯСИ

МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМДАН ХАТ

Поёни йўқ саҳро қўйнида, кўз илғамас қум океани «тўлқин»лари орасида ётган бу овулга ҳеч кимнинг нигоҳи тушмаган эди. Қум бўронлари ҳукмрон бўлган бу ерлардаги тилсимни очишга, унинг бойликларини инсон хизматига бўйсундиришга ким ҳам журъат эта оларди!? Бизнинг давримиздагина қудратли техника билан қуролланган совет кишилари она ер қаърида ётган хазиналар «қулфи дилини» очмоқдалар.

Ҳозир «Кулсара» деб аталган бу ерда катта ишлар қилинмоқда. Машина-механизмларининг қудратли овози мудроқ Қизилқумни ҳам ғафлат уйқусидан уйғотди. Қардош Қозоғистон ерларидаги ана шу чўлу-биёбонларга «Бухарагазпромстрой» трестига қарашли 7-қурилиш-монтаж бошқармасининг ишчи ва мутахассислари яхши ният билан — насос станцияси қуриш учун келдилар. Насос станциясини газ саноатининг юраги дейиш жоиз бўлар.

Ахир, бу йил Ватанимиз юраги — Москвага етказиб берилаётган «зангори ёқилғи» ҳажмини ҳар кеча-кундузда саккиз миллион кубометрга кўпайтириш керакку. Бу мураккаб вазифани фақат «Кулсара» компрессор станциясини ишга тушириш йўли билангина бажариш мумкин. Бу ердаги ишлар кўламининг кенглиги ва иш суръатларининг тезлиги ҳам шу боисдандир. «Кулсара» компрессор станциясини қуриб, фойдаланишга топшириш муддати 18 ойга мўлжалланган. Бироқ, 7-қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи бу муддатни 8 ойга қисқартиришга аҳд қилиб, фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатмоқда.

Шу боисдан ҳам қурилиш майдончаларида дастлабки кунларданоқ иш юришиб кетди! Бу ерга келаётган турнақатор вездеходлар, самосваллар ва юк машиналари, кўтарма механизмлар карвонининг кети узилмайди. Улар янги объект қурилишига цемент, металл конструкциялари, ёғоч, пишиқ ғишт, бетон ва кўп тонналик панеллар ташиб келтирмоқдалар. Бу материаллардан станция котлованини қазишдан тортиб, то унинг корпусларини тиклаш ва томини ёпишгача бўлган ишларда фойдаланилади.

Қурувчилар дастлабки кунларданоқ қурилиш-монтаж ишларини комплекс бажариш асосида қурилиш муддатини қисқартиришга аҳд қилиб, тўғри иш қилдилар. Бу ишлар қатъий график асосида ўтказилмоқда. Анатолий Сорокин бошлиқ бригада беш йилликни муддатидан олдин бажариш ва В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақада пешқадамлик қиляпти. Бу аҳил коллективга уюшган ҳар бир ишчи катта тажриба орттирган монтажчи-мутахассисдир. Қизилқумнинг ўжар табиати билан яккама-якка олишиб ғолиб чиққан ва Уст-Юрт даштлари оша Бухоро — Урал газопроводини Урал домна ва мартенларигача тортиб борган азаматлар ҳам шулар бўлади. Ҳозир ҳам бу иноқ коллектив қурилиш-монтаж ишлари топшириғини 180-200 процент адо этмоқда.

Қурилиш майдончасида ҳозир 400 га яқин киши ишламоқда. Лекин ҳали бу кам. Қурилишга кранчилар, бетончилар етишмайди. Шу сабабли бу ердаги ҳар бир ишчи зиммасига бир ярим, икки кишининг иши тўғри келади. Буни яхши тушунган ишчилар куч ва ғайратларини аямай меҳнат қилмоқдалар. Ҳар бир ишчи икки кишининг ишини бажармоқда. Масалан, Михаил Павлович Перепелица бошлиқ дурадгорлар бригадаси пойдевор ёғочларини рандалаш ва ўрнатиш ишларини муддатидан 18 кун илгари бажардилар. Эндиликда бу ерда Ленин орденли «Нефтепроводмонтаж» трестининг 2-ихтисослашган бошқармаси монтажчилари станциянинг темир юраги ҳисобланган газ турбиналарини кўтармоқдалар.

Қурилиш бошқармаси коллективи «Кулсара» компрессор станциясини шу йилнинг учинчи квартали охирида фойдаланишга топшириш ишқида яшамоқда.

А. ШУКУРОВ.

Бугун — СССР Ҳаво флоти куни

ФАЗОКОРЛАР

Граждан авиациямиз Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматининг ғамхўрлиги туфайли техника тараққиёти асосида йил сайин ривожланяпти. Кейинги вақтда у халқ хўжалигининг юқори малакали учувчилар, штурманлар, инженерлар ва техникларга эга бўлган соҳасига айланди. Ватанимиз аэрофлоти эндиликда умумий масофаси 500 минг километрдан иборат 2500 ҳаво йўлларида хизмат қилади. Авиация мамлакатимизнинг кўплаб шаҳарларини бир-бири билан улайди. Аэрофлот хизматидан кўплаб илмий ташкилотлар, экспедициялар ҳам фойдаланади.

Сўнгги йилларда Иттифоқимизда ҳаво йўлларига хизмат қилувчи бир неча ўнлаб аэропорт қурилди. Мазкур аэропортлар бетонлаштирилган учиш-қўниш майдончаларига, муҳташам аэровокзалларига эгадир.

Мамлакатимиз ҳаво флотининг халқаро алоқалари кенгаймоқда ва мустаҳкамланмоқда. Унинг иш миқёси дунё ҳаво транспорти иш миқёсининг 25 процентига тўғри келади. Бизнинг самолётларимиз ҳозир ер юзининг 42 мамлакатига қатнайди. Бултурдан бошлаб ҳаво лайнерлари Япония, Канада, Швецияга мунтазам қатнайдиган бўлди.

Мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик планида ҳаво йўлларида пассажирлар ташишни 1,8 марта кўпайтириш кўзда тутилган. Шунга кўра, 1970 йилга бориб аэрофлот бир йилда 75 миллион пассажирга хизмат кўрсатиши лозим. Бундан ташқари, фазокорлар зиммасига қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда дала меҳнаткашларига яқиндан ёрдам кўрсатишдек шарафли вазифа юкланган. Самолётлар ёрдамида беш йилликнинг охирги йилида 100 миллион гектар ерга дори сепиш керак.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети граждан авиациясининг техникавий савиясини кўтариш, пассажир самолётларининг янги хилларини яратишга зўр аҳамият бериб, бу соҳада бир қатор тадбирлар белгиладилар. Бу тадбирлар 1975 йилгача мўлжалланган бўлиб, улар амалга оширилган тақдирда аэрофлотимизнинг техникавий савияси янада камолотга эришади.

СССРда биринчи почта-пассажир ҳаво йўли бундан 45 йил бурун Москва билан Нижний Новгород (Горький) ўртасида очилган эди. Бу ҳаво йўлининг узунлиги атиги 420 километр эди, холос. Ушандан бери ўтган давр ичида ҳаво йўлларимизнинг узунлиги 1000 марта ошди. Бундай юксалишга ҳеч қандай капиталистик мамлакат эриша олгани йўқ.

Ўрта Осиёда ҳаво флоти тарихи 1924 йилдан бошланади. Худди ўша йили бу ерда «Добролет» жамияти тузилди. Ўзбекистон ССР граждан авиацияси тарихида ҳам ёрқин саҳифалар кўп, республика авиацияси ажойиб традицияларга эга. Энг муҳими шуки, республикамизда граждан авиациясининг юқори малакали кадрлари, жонкуярлари вояга етди. Ўзбекистон граждан авиациясининг ветерани, Ленин орденли борт-механик Г. М. Злгостевнинг хотирлашича, 1924 йилда самолётлар жуда камдан-кам учарди. Уларда асосан почта юклари, баъзида эса пассажирлар ташиларди, холос. Бунинг устига, самолётларнинг техникавий жиҳатдан пишиқ-пухта бўлмаганлиги натижасида ҳаво ҳалокатлари тез-тез содир бўларди.

Ўзбекистон халқ хўжалигининг бетиним ривожланиши граждан авиациясини ҳам юксалтиришни тақозо этди. Республика граждан авиацияси тараққиётини қуйидаги рақамлардан яққол кўрса бўлади. Агар 1924 йилда республикамизда самолётлар билан 1000 пассажир ташилган бўлса, 1932 йилда 15 минг, 1940 йилда эса 29 минг пассажир ташилди. Ўша даврлардан бошлабоқ авиация қишлоқ хўжалигига ёрдамга келди. Чунончи, 1930 йилда қишлоқ хўжалик авиацияси 20 минг гектар ердаги зараркунандаларни йўқотишга ёрдам берди.

1929 йилда Ўзбекистонда биринчи, Иттифоқимизда эса учинчи халқаро ҳаво йўли — Тошкент — Қобул трассаси очилди. 1933 йилда Тошкент — Москва йўлида қатнайдиган Ка-5, П-5 самолётлари йўл-йўлакай 10 жойда тўхтар, Москвага зўрға уч кун деганда етиб борарди. Ҳозир эса бу масофани бизнинг қудратли «ТУ-114», «ИЛ-18» самолётларимиз атиги 3,5—5 соат ичида босиб ўтади.

1934 йилда Ўзбекистонда биринчи Тошкент аэропорти қурилди. Бу даврга келиб, Ўзбекистонда ҳаво йўлларини кўпайтириш, пассажирлар ташиш, авиациядан қишлоқ хўжалигида кенг фойдаланиш учун барча имкониятлар яратилди.

Ўзбекистон ССР ҳаво флоти Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларда янада барқ уриб ривожланди. Маҳаллий ҳаво йўллари 1,5 баравар, пассажирлар ташиш 13 баравар, юк ташиш 9 баравар ошди. Шунингдек, қишлоқ хўжалигига кўрсатилаётган ёрдам миқёси ҳам 12 баравар кўпайди.

Республикамизда темир йўл, автомобиль ва сув йўллари йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Шунга қарамай, граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармаси пассажирлар ташиш, ҳаво йўлларининг кўплиги жиҳатидан биринчи ўринда туради. Республикамизда ҳозирги кунда 100 дан ортиқ ҳаво йўллари бор. Улардан 25 таси Иттифоқ аҳамиятига эга бўлиб, «ИЛ-18», «ИЛ-14» самолётлари учун очилган. «ИЛ-14», «ЛИ-2», «АН-2», «ЯК-12» самолётлари район марказларини область марказлари, область марказларини республика маркази билан боғловчи ҳаво йўлларида парвоз қилмоқдалар.

Гўзал пойтахтимиз Тошкент Ватанимизнинг йирик граждан авиацияси марказларидан бири ҳисобланади. Тошкент аэропорти ўзининг архитектураси, хизмат кўрсатиш миқёси билан Иттифоқимиздаги кўпгина аэропортлардан сира қолишмайди. Совет Ўзбекистонининг пойтахти Москва, Ленинград, Новосибирск, Свердловск, Челябинск, Симферополь, Кавказ, Минерал сувлари, Қора денгиз бўйидаги йирик курорт шаҳарлари билан, шунингдек, Иттифоқдош республикаларнинг пойтахтлари билан тўғридан-тўғри ҳаво трассалари билан боғлангандир. Республикамизнинг Афғонистон, Покистон, Цейлон ва бошқа мамлакатлар билан халқаро алоқалари тобора мустаҳкамланмоқда. Пойтахтимиз аэропорти ёз мавсумида ҳар суткасига 5 мингдан ортиқ пассажир жўнатади.

Граждан авиациямиз тараққиётининг боиси шундаки, бу ҳақда партия ва ҳукуматимиз кун сайин ғамхўрлик қиляпти. Шунингдек, бошқармамиз аппарати ходимларининг мутахассислар, учувчилар билан алоқаси тобора мустаҳкамланмоқда, раҳбарлик савияси ошмоқда. Бошқармамизда коммунистик меҳнат ҳаракати тобора кучаяпти. Бу ватанпарварлик мусобақасида минглаб киши иштирок қиляпти. Улардан кўпчилигига коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли ном берилди. Коммунистик меҳнат ҳаракатида қатнашаётган бир неча бригадалар коммунистик меҳнат коллективи деган номни олишга муваффақ бўлдилар. Айниқса, Самарқанд, Нукус, Фарғона ва Тошкент аэропортлари пассажирларга хизмат кўрсатишни яхшилашда самарали меҳнат қилмоқдалар.

Шу кунларда қишлоқ хўжалик авиацияси ғўзаларни дефолиация қилишга зўр бериб тайёргарлик кўрмоқдалар. Пахтакорларнинг қанотли дўстлари бўлган қишлоқ хўжалик авиацияси ходимлари республикамизнинг 4 миллион 100 минг тонна ҳосилига ҳисса қўшиш учун бел боғлаганлар.

Граждан авиацияси янгидан-янги машиналар билан бойиб бормоқда. 1970 йилларга бориб граждан авиацияси яна бошқа янги, товушдан тезучар самолётларга эга бўлади.

Граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармаси барча ходимлари, коммунист ва комсомоллари пассажирлар ташиш, юк ортиш, қишлоқ хўжалигига ёрдам бериш юзасидан бир қатор амалий тадбирлар белгилаб, бу тадбирларни рўёбга чиқариш учун астойдил курашмоқдалар. Шуни айтиш кераккки, ана шу режаларни амалга оширишда бошқарма раҳбарлари, ташкилотлари, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, бутун шахсий составдан бутун куч ва ғайратини аямай ишга солиш, ташаббускорлик ва ижодкорлик кўрсатишни тақозо этади. Шу боисдан ҳам бошқарма ходимлари шахсий состав орасида оммавий-сиёсий, тарбиявий ва ташкилий ишларни кучайтиришга алоҳида эътибор беряпмиз. Бошланғич партия ташкилотларининг ролини тағин ҳам ошириш учун барча чораларни кўраётирмиз. Биз — граждан авиацияси ходимлари бугун ўз традицион байрамимизни нишонлар эканмиз, партиямиз ва халқ хўжалиги талабларини сидқидилдан адо этиш, улуғ Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш иштиёқида яшамоқдамиз.

А. ҒОЗИНАЗАРОВ,
Граждан авиацияси Ўзбекистон Бошқармасининг бошлиғи.

Суратда: Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармаси ҳаво кемалари экипажлари ўртасидаги социалистик мусобақа илғорлари — штурман Б. Раҳимов (чапда), борт механик Ю. Беднарчук ва кема командири М. Нуриддинов ўртоқлар.

И. Глауберзон фотоси.

ШУНҚОР

ЛАВҲА

Самолёт булутларга тўш уриб, хавфли момақалдироқ зонасини ёриб ўтди-да, Тошкент томон йўл солди. Уни кема командири, ёш ва эпчил Исмоил Шомансуров бошқариб борарди. У самолётни аэродромга тўғрилади, осмонни қоплаб турган булутни ёриб ўтиб қўниш майдончасига тушиб олди.

— Қойил, Исмоил! — деди бўлинма командири Ғафур Орипов, — самолёт бошқаришни пухта билиб олибсан!

Тошкент аэропортининг транспорт авиацияси бўлинмасига кўп йиллардан бери учувчи — коммунист Ғафур Орипов раҳбарлик қилади. У бошчилик қилаётган коллектив аварияссиз ишлайди, топшириқларини ҳамиша ошириб бажаради.

Ғафур Орипов — талабчан командир — тарбиячи, сезгир ва меҳрибон ўртоқ. У ўзининг бой, амалий тажрибасини ёш учувчиларга сидқидилдан ўргатяпти. У 28 йил бадалида талайгина оғир ҳаво йўлларини босиб ўтди, самолётнинг кўпгина турларини ҳайдаб кўрди.

Ғафур Орипов — изғиринли тайгада Комсомольскни тиклаган, Магнитканы қурган, комсомол йўлланмаси билан Ватанимиз осмонини ўзлаштиришга биринчи бўлиб қадам ташлаган ёшлар авлодига мансубдир.

Комсомол Ғафур Орипов ҳали ёшлигидаёқ авиация ҳаётига катта меҳр қўйганди. У бу ҳаётни кишиларни жасур ва мағрурликка ўргатгани, одамни осмон устидан, вақт ва масофа устидан ҳукмрон қилгани учун ҳам танлаган эди.

Биринчи беш йилликлар даврида мамлакатнинг ҳаво трассаларида секин учар самолётлар қатнар эди. Соатига 220 километр тезликда учадиган «Л-2» пайдо бўлганида, бу улкан ютуқдай туюлганди. Ўшанда учувчилар жуда кўп иш қилдилар. Лекин ўша давр техникаси ва иш ҳажмини ҳозирги авиация техникаси билан, унинг улкан хизматлари билан солиштириб бўлармиди.

... Ватанимиз учун хавфли бўлган кунларда ёш учувчи Ғафур Орипов Улуғ Ватан урушининг кўпгина фронтларида жанг қилди. У хизмат қилаётган «ПО-2» эскадрильяси душман қўшинларини, ўқ-дори омборларини бомбардимон қилди, яраланган совет аскарларини жанг майдонларидан олиб чиқди, ҳарбий касалхоналарини дори-дармон, халқ қасосчиларини эса қурол, ўқ-дори, озиқ-овқат билан таъминлаб турди.

Жанговар топшириқларни бажаришда кўрсатган мардлиги ва жасурлиги учун ўзбек халқининг содиқ фарзанди Ғафур Орипов ҳукуматимиз томонидан 1-даражали Ватан уруши ордени, Қизил Юлдуз ордени ва жанговар медаллар билан мукофотланди.

Уруш кунларининг бирида Марказий фронт штабига зарур хабарни зудлик билан етказиш керак бўлиб қолди. Қуршовда қолган Совет қўшинларининг тақдири кўп жиҳатдан шу хабарга боғлиқ эди. Бу вазифани бажариш полкнинг энг жасур учувчиларидан бири Ғафур Ориповга топширилди.

Шунқор Ориповнинг самолёти тезлик билан осмонга кўтарилди ва қалин булутларга игнадай санчилди. Бирдан унинг қаршисидан иккита фашист қузғуни шўнғиб чиқишди. Кураш бошланди. Фашистлар аллақачон ғалабага ишонган эдилар. Бироқ, улар совет шунқорининг характерини билишмас эди. Ғафур моҳирлик билан душманларга чап бериб, уларнинг ҳужумини барбод қилди. Хабарни штабга топшириб, ўз аэродромига муваффақиятли қайтиб келди.

Уруш йиллари Ғафур Орипов 150 дан зиёд жанговар ҳужумларда қатнашди. Ленин улардан бирини — жанговар топшириқни шараф билан бажариб қайтгани учун самолётнинг бортидаёқ уни шонли Коммунистик партия сафига қабул қилишганини сира-сира унутмайди.

Совет Армияси сафидан жонажон Тошкентга қайтгач, Ғафур ака ҳаво кемаларини қуёшли Ўзбекистоннинг тинчлик трассаларида ҳайдай бошлади. Эндиликда у республикамизнинг энг тажрибали учувчиларидан бири. Ўз хизмати давомида 500 дан ошиқ учувчи тайёрлади. Турли типдаги кўплаб самолётлар штурвалида 18 минг соат ўтириб, Ватанимиз осмонида 5 миллион километрдан зиёд зангори йўлни босиб ўтди у.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ 1967 йилда Ғафур Ориповга «СССРда хизмат кўрсатган учувчи» фахрий унвони берилди.

Ғафур ака ажойиб ташкилотчи, авиация мутахассиси. Бундай кишилар ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон граждан авиациясининг олтин фондини ташкил этади. Командирлар составидан коммунистик меҳнат зарбдори унвонининг биринчи бўлиб унга берилиши ҳам бежиз эмас. Граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармасининг ветерани Ғафур аканинг кўксини шавкатли меҳнати учун олган уч ордени безаб турибди.

Бўлинма учувчилари, бортмеханиклари, радист ва штурманларининг 80 процентдан ошиғи ўз командирларидан ибрат олиб коммунистик меҳнат зарбдори унвонини олишга мушарраф бўлишди ва бу номни шараф билан оқламоқдалар. Бу авиаторлар ўзларининг байрами — СССР Ҳаво Флоти куни арафасида саккиз ойлик ишлаб чиқариш топшириқларини муддатидан илгари ўриниладилар. Августнинг охиригача улар планга қўшимча равишда яна минглаб йўловчи ва ўнлаб тонна зарур халқ хўжалиги юкларини ташиб беришмоқчи. Шу давр мобайнида илғор авиаторлар ернинг экватори бўйлаб учганда чорак масофага етадиган ёқилғини тежаб қолдилар.

Тошкент аэропорти пўлат қушлар овозидан туну-кун гувуллайди. Самолётлар бирин-кетин ҳавога кўтарилиб, узоқ-узоқларда ястаниб турган тоғларга, шаҳар ва саноат марказларига қараб йўл олишади. Шунқор Ғафур Ориповнинг қанотли шогирдлари йўловчи, почта ва юкларни ўз манзилларига элтишяпти. Улкан ишларнинг зарбдор куни, беш йилликнинг меҳнат куни бошланяпти.

М. ВИШЕДСКИЙ.

Суратда: СССРда хизмат кўрсатган учувчи Ғафур Орипов.

СИЗ УЛАРНИ ЯХШИ ТАНИЙСИЗ

Узоқ масофадан келиб қўнган самолёт пассажирлари шаҳарга қараб йўл олишди. Бу йигит ва қизлар эса навбатдаги рейсга тайёргарлик кўришяпти. Сиз уларни яхши танийсиз. Суратда: (пастдан) сизга табассум билан боқиб турган Галина Попкова 1964 йилдан бери Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасида борт кузатувчиси бўлиб ишлайди. У пассажирларга яхши хизмат қилганлиги учун кўпгина ташаккурномалар олган, аэропорт маъмурияти ҳам бир неча марта унга миннатдорчилик билдирган. Галина КПСС аъзолигига кандидат.

Слава Садичко борт кузатувчиси бўлиб ишлаётган самолётларда учганмисиз? У бори-йўғи бир йилдан бери фазога сиз билан бирга кўтарилади. Жуда хушчақчақ, сертакаллуф йигит. Роза Сафонова (суратда юқорида) борт кузатувчилари орасида анча тажрибали қиз. У 6 йилдан бери пассажирларга хизмат қилиб келяпти. Илгари республика шаҳарларига қатнайдиган поршенли самолётларда борт кузатувчиси бўлиб ишларди. Йўловчиларга яхши хизмат қилганлиги учун Роза «ИЛ-18» ҳаво лайнерида борт кузатувчиси бўлиб ишлашга кўчирилди.

В. Соловьева фотоси.

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

СОВХОЗДА НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Ўтган шанба куни Ўрта Чирчиқ районидаги 1-«Оҳангарон» совхозининг пахта далалари, узумзорлари ва боғлари олимлар ва революция ветеранларининг совхоз ходимлари билан мароқли учрашувига айланиб кетди. Тошкент олимлари совхозга «В. И. Ленин — Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси» деган темада назарий конференция ўтказиш учун келишган эди.

Олимлар далалар ва боғлардан, яйловлар ва полизлардан мўлжалланган назарий конференция учун ажойиб мисоллар топиб қайтишди. Жумладан, совхознинг дон хўжалигини олиб кўрайлик. Бу ерда 5000 гектар ерга дон экинлари экилган. Давлатга план бўйича 860 тонна ўрнига 3500 тонна дон сотилди. Давлатга гўшт ва жун топшириш топшириқлари ҳам муваффақиятли адо этилмоқда.

Совхознинг марказий боғида кечқурун революция доҳийси ва дунёда биринчи социалистик давлат асосчисига бағишланган назарий конференция ўтказилди. Уни совхоз партия комитетининг секретари ўртоқ А. Мамадалиев қисқача нутқ сўзлаб очаркан, ҳалигина тошкентлик олимлар томоша қилган янгиликлар совхоз меҳнаткашларининг В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилиб ишлаганликлари самарасидир, деб айтди. Сўнгра республикамиздаги дастлабки комсомоллардан бири, гражданлар урушининг ветерани, тарих фанлари кандидати Очил Қодировга сўз берилди.

Олим В. И. Лениннинг революцион фаолиятига, унинг Россияда марксистик ишчи партияни ташкил этиш учун курашига батафсил тўхталиб ўтди.

— Дунёда биринчи социалистик давлат барпо этилган дастлабки йилларда бор-йўғи 260 минг коммунист бор эди, — дейди ўртоқ О. Қодиров. — Эндиликда ер куррасида 50 миллиондан кўпроқ коммунист бор.

Олим Қорахитой ва Хонобод қишлоқлари илгари қандай эканлигини эслаб, ҳозир 1-«Оҳангарон» совхози посёлкаси мисли кўрилмаган юксалишга эришганини, бу ютуқлар доҳиймиз Лениннинг кўрсатмаларини амалга ошириш учун курашда жонбозлик кўрсатган кишиларнинг фидокорона меҳнати маҳсули эканлигини таъкидлайди.

Сўнгра тарих фанлари кандидатлари А. Раззоқов ва Р. Ёқубов ўртоқлар Туркистонда Ленин ғояларининг қандай амалга оширилганлиги ва Ўзбекистон ССР ҳозирги пайтда пахтачиликнинг асосий базаси бўлиб қолганлигини жонли мисоллар билан ҳикоя қилиб бердилар. Улар В. И. Лениннинг Туркистонда суғориш ишларини амалга ошириш ва Мирзачўл ерларини ўзлаштириш учун 50 миллион сўм пул ажратиш тўғрисидаги Декретига алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Тарих фанлари кандидати А. Каримов В. И. Лениннинг халқлар дўстлиги тўғрисидаги Васиятлари мамлакатимизда қандай амалга оширилгани ҳақида доклад қилади. У 25 дан кўпроқ миллат вакиллари елкама-елка туриб, фидокорона меҳнат қилаётган 1-«Оҳангарон» совхози мисолида ленинча халқлар дўстлигининг қандай самаралар бераётганини батафсил ҳикоя қилиб берди.

Сўнгра революция ветерани Федор Андреевич Владимирский В. И. Ленин билан бўлган учрашуви ҳақида мароқли суҳбат қилди.

Конференция охирида республикада хизмат кўрсатган артист, бадиий сўз устаси Муҳсин Ҳамидов Маяковский ва Ғафур Ғуломнинг, шунингдек ёш ўзбек шоирларининг Владимир Ильичга бағишланган шеърларини ўқиб берди.

Ж. МЎМИНОВ.

КАТТАҚЎРҒОН ЯНГИЛИКЛАРИ

ҲАЁТГА ЙЎЛЛАНМА

Шаҳардаги медицина билим юртини 61 қиз битириб, медицина ҳамшираси номини олдилар. Улар билим юртининг биринчи қалдирғочларидир. Ҳамшира қизлар мустақил ишлаш учун Нарпай, Хатирчи, Иштихон, Пастдарғом районларига йўлланма олдилар.

Бу йил билим юртига 390 ўқувчи қабул қилиш мўлжалланмоқда.

КОЛХОЗДА «ЗАНГОРИ ОЛОВ»

Каттақўрғон район Крупская номли колхоз кўчаларига газ қувурлари ётқизилди. «Зангори олов»дан колхознинг 280 хонадони баҳраманд бўлади. Аъзолар колхоз ташкилотининг бу ишидан жуда миннатдор.

Н. УМАРОВ.

Адабиёт ВА САНЪАТ

ТАЛАНТЛИ ИЖРО, ТЎҒРИ ТАЛҚИН

Навоий номидаги Наманган область музикали драма ва комедия театри бир неча йил давомида маълум турғунликни бошидан кечирди. Янгилик қидирувчи режиссёрнинг йўқлиги, репуртуарнинг камбағаллиги актёрлар талантининг ҳамма қирралари очилишига тўсқинлик қиларди. Бироқ сўнгги икки йил давомида театр ҳаётида кескин бурилиш юз берди. Театрга ёш кадрлар кўпроқ жалб қилинди. Натижада бир неча спектакллар саҳнага чиқарилди ва улар тезда томошабинлар муҳаббатини қозонди.

Яқинда театрнинг ижодий коллективи буюк ўзбек шоири ва мутаффаккири Алишер Навоийнинг достони асосида яратилган «Лайли ва Мажнун» спектаклини шоир юбилейига совға сифатида томошабинларга тақдим қилди.

Буюк Навоий ўз достонида шахс эркинлиги проблемасини прогрессив позициядан туриб ҳал қилишга интилган ва катта муваффақият қозонган эди. Буни яхши тушунган ижодий коллектив пьесанинг худди мана шу ўрнига катта аҳамият берди ва натижада асар ғоясини тўғри талқин қилишга эришди.

Спектаклни томоша қилар экансиз, энг аввало Лайли ролини ижро этган артистка Ҳабиба Охунованинг ижрочилик маҳоратига тан берасиз. Ҳабиба Охунова Лайли образининг асосий, моҳиятини бағоят яхши ва тўғри уққан. Лайлидаги оташин севги, Қайсга садоқат, инсон деган шарафли номни пок сақлашга интилиш, юксак инсонпарварлик, мушфиқ—меҳрибонлик Охунова талқинида таъсирчан ва ишонарли чиққан. Мактаб саҳнаси, Ибн Салом тўйи, Қайс билан охирги учрашув саҳнаси сингари ўринларни Охунова катта талант ва маҳорат билан ижро этади. Охунова (Лайли)нинг еттинчи кўринишдаги арияси ва шу пайтдаги унинг ҳаракатлари, мимикаси образ фожиасининг тўла очилишини таъминлаган. Мазкур саҳна Лайли образининг кульминацияси сифатида янграйди.

Артистка доимо ҳар бир ролнинг ишонарли ва таъсирчан чиқмоғи учун оригинал штрихларни топади. Натижада унинг ижросидаги роллар бир бутун, яхлит, эсда яхши сақланиб қоладиган бўлиб чиқади. Унинг истеъдоди йилдан-йилга камол топмоқда.

Театрнинг иккинчи ёш истеъдодли артисти Маҳмуджон Исомиддинов Қайс ролини ижро этади. Исомиддинов (Қайс) феодал истибдоди замонасида эзилган шахс, муҳаббат, севги, эркинлик бўғилган, топталган замонни лаънатловчи, инсонлик ҳуқуқини, эркини таниганн учун Мажнун деб аталган ИНСОН сифатида гавдаланади. Характерли яна бир ўрни шундаки, Қайс Исомиддинов талқинида фақат оташқалб ошиқгина эмас, мутафаккир файласуф ҳамдир. У Омир, Ибн Салом каби қора кучлар фалсафасини кескин фош қилади, оддий инсон ва унинг эркини ҳимоя этади.

Спектаклда Қайснинг отаси Маҳди ролини ижро этган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирзажон Дадабоев катта ижодий муваффақиятга эришган. У социал тенгсизлик қаддини буккан, адолатсизлик, зулм, ҳақорат остида қолган меҳрибон ота образини жуда ишонарли яратган. Дадабоев Маҳди образи тадрижига алоҳида диққат қилади, бунинг учун у жуда оригинал бир штрих топган. Қайс фожиаси, алами оша борган сари, Маҳди (Дадабоев)нинг қадди эгила боради. Охирги ўринларда биз уни даврон юки қаддини дол қилган, кулфатлар тошидан бағри эзилган, битмас-туганмас изтиробда қолган киши қиёфасида кўрамиз.

Омир (Ўзбекистон ССР халқ артисти Муҳриддин Мансуров), Ибн Салом (артист Соҳибоев), Навфал (артист А. Аҳмедов), Зайд (артист М. Иброҳимов) ролларининг ижросида ҳам кўпгина яхши ва мароқли томонлар бор.

Театрнинг бош рассоми Муталлиф Аббосов яратган декорация асар мазмунига мос бўлиб тушган.

Спектаклда айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Бу айниқса икки образ талқинида яққол кўринади. Ибн Саломда (артист С. Соҳибоев) юқори табақа вакиллари учун хос бўлган манманлик, кибр-ҳаво, аёлларга менсимай қараш хислатлари етишмаётгандек. Ибн Салом айрим ўринларда жамият ўйинчоғи сингари талқин қилинади. Ҳолбуки, у режиссёр ниятига кўра, ёмонлик, адолатсизлик тимсоли сифатида гавдаланмоғи керак эди.

Шунингдек, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистка Онахон Тожибоева ижро этган Лайлининг онаси образида Навоий достонида тасвир этилган мушфиқ, меҳрибон она образини кўрмаймиз. Аксинча, у биринчи марта кўринганда, кибор аёл сифатида пайдо бўлади ва томошабинда салбий таассурот қолдиради.

Фикримизча, режиссёр ва актёрлар мазкур роллар устида яна бир ўйлаб кўришлари керак.

Бироқ, мазкур камчиликларга қарамай, «Лайли ва Мажнун» спектакли Наманган театри ижодий коллективининг, шунингдек, ёш талантли режиссёр Каримжон Йўлдошевнинг катта муваффақияти десак бўлади. Спектакль театр коллективи кучга тўлаётганини, йирик ва мураккаб пьесаларни ҳам саҳналаштириш қобилиятига эга бўлиб қолганини кўрсатиб турибди.

О. НОСИРОВ,
Ҳ. Ҳ. Ниёзий номидаги Наманган Давлат педагогика институтининг катта ўқитувчиси.

ОСИЁ ВА АФРИКА ЁЗУВЧИЛАРИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН

Хабиб ВАФО

ҲАЁТ

Муаррих титкилар ўзгалар асрин,
Жон қийнаб шон-шуҳрат ахтарар актёр,
Браҳман кўриқлар худолар қасрин...
Кимдир азоб чекар, кимгадир бахт ёр.
Оламни ҳамёнда кўрар қиморбоз,
Сатранжкашга дунё — тахта ва қатор,
Денгиз саёҳига — пўртана ҳам оз...
Кимдир азоб чекар, кимларга бахт ёр.
Ҳайкалтарош сийпар қодир асарин,
Ажабдан дейсанки, қўлида кўз бор,
Деҳқон тушунолмас қашшоқлик сирин...
Кимдир азоб чекар, кимларга бахт ёр.
Юлдузлар сирини овлаб мунажжим,
Ерда нур тополмай, кўкка интизор,
Файласуф оламни билмай қолар жим,
Кимдир азоб чекар, кимгадир бахт ёр.
Сезги билан ўлчар дунёни рассом,
Бўёқлари ажиб, минг хил, бетакрор,
Уймакор умидвор: нақшларда қолсам...
Кимдир азоб чекар, кимгадир бахт ёр.
Ҳаёт, ойнангда қидириб шоир,
Ўз тожин кўролмай ўлишга тайёр.
Бировга дунё ғам, бировга — сайр,
Кимдир азоб чекар, кимгадир бахт ёр.

Маҳкам Маҳмудов таржимаси.

ЗАМБАРАКЛАР САҚЛАШАР СУКУТ...

Яшил хартумларин чўзганча кўкка
Бунда замбараклар сақлашар сукут.
Эҳҳе, булар қанча қўрғошин пуркади,
Сочган ёв устига қанча оташ-ўт!

Чорак аср аввал тинмай гумбурлаб
Ёвга даҳшат солди улар сўнгги бор.
Бутун эл боқамиз теграсин ўраб.
Ҳар бири бир тарих,
туришар қатор!

Ана, бир тўп узра этароқ парвоз
Қўнди хартумига ёввош мусича.
Оҳиста ку-кулаб чиқарди овоз.
Кел деб у жуфтини чорлар ўзича?

Ҳазин бир қўшиқни хиргойи этиб,
Пенсия ёшига етган бир кампир,
Тўплардан-тўпларга оҳиста ўтиб
Барин яраклатиб артмоқда бир-бир...

Тўпларнинг ёнида мусича,
кампир,..
Қалбим шод тепади чиққудай қиндан:
Қани, барча тўплар шулар қўлига
Тезроқ ўтса экан рўйи заминда!

ЭРМАКТАЛАБ БИЗНИНГ БОЛАЛАР

Қийқириб,
қирғонда бир-бирин қувлаб
Болалар соҳилни кўтарар бошга.
Ажабо, челакни тепарми улар?
Даранг-дурунг қилиб урилар тошга...

Бири тепар уни бириси қўйиб,
Бутунлай абжақ қилиш шарт бўлса, наҳот?
Наҳот топилмаса бошқа бир ўйин,
Қуриб кетиптими ўзга машғулот

Бўлди-е!
Қулоғим эдингиз батанг,
Ўйинми челакни тепмоқ, акаси?
Болалар боқишди менга ҳангу-манг:
— Йўқ, йўқ, челакмас бу...
Фриц каскаси!

Чағир тошлар аро ётар пойимда
Занг босган,
дарз кетган пўлат дубулға.
Бир нафас тонг қотдим турган жойимда,
Хаёлим даҳшатли йилларни илғар,..

Юз минглаб оғуга тўла каллада
Қуёш тиғида у совуқ ярқираб,
Юртимга ўру-кир, кўку даладан
Суқулиб кирганин унутмам сира!

Бутун Европани босиб ўтди у,
Шаҳру қишлоқларни ёндириб, талаб.
Бошни... Одессада у тарк этди-ю
Денгиз қирғоғида қолди думалаб...

Сира ўйлабмиди унинг соҳиби
Бу элда кўзига тупроқ тўлишини,
Шоҳдор дубулғаси бир копток каби
Қувноқ болаларга эрмак бўлишини?

Ҳе, ўйлаш қаёқда?
Мағлуб сўзидан
Эҳтимол жирканган қонхўр олифта.
Бундесвер ҳам бориб унинг изидан,
Каскалар қуймоқда ўшал қолипда...

Қанчалар қазмасин душман бизга чоқ
Бармоқ тишлаб қолган...
Тишлаб қоларлар!
Уларни шеърим-ла этаман огоҳ:
Жуда эрмакталаб бизнинг болалар!

Охунжон ҲАКИМОВ.

МУҲИТДИН ҚОРИ ЁҚУБОВ

(ТУҒИЛГАНИГА 70 ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН)

<> <>

Муҳитдин Қори Ёқубов ўзбек совет санъатининг отахонларидан бири эди. Биринчи республика давлат музика театри, опера ва балет театри. Ўзбекистон давлат филармониясининг ташкилий даври машҳур санъатнор Муҳитдин Қори Ёқубов номи билан чамбарчас боғланган.

Бундан 11 йил илгари, яъни, 1957 йили Муҳитдин Қори Ёқубовнинг жўшқин юраги уришдан тўхтади, лекин унинг номи, хизмати, санъати ҳамон мухлислари ёдида, у биз билан биргадир. Эртага севимли санъаткоримизнинг муборак 70 йиллик тўйини устоз шогирдлар эканмиз, санъатчиларимиз даврасида Муҳитдин Қори Ёқубовнинг ҳам ўзига хос ўрни борлигини ҳис этамиз, унинг ўлмас ва унутилмас номини, катта хизматларини тилга оламиз, жаранглаган қўшиқларини ҳамон эшитаётгандек бўламиз.

Ўзбек совет адабиёти ва музикасининг асосчиси, муҳтарам устоз, адиб, бастакор Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва рус совет композитори, музикашунос Н. Н. Миронов Муҳитдин Қори Ёқубовнинг талантига, салоҳиятига, ижрочилик қобилиятига, ширали, кучли овозига юксак баҳо бердилар ва ўйлаб талантли ёшлар қаторида унга ҳам муаллимлик қилдилар. Қўшиқчилик маҳорати сирлари билан уни ошно этдилар.

Бузма кўнглинг, боқ бу шўро
Берди мангу интибоҳ.
Томчи ҳар қонингга олдинг
Илму урфон, эрку жоҳ!
Яша шўро, яша шўро!
Сен яшайдирган замон,
Ишчи ўғли шуҳратингдан
Балқисин рўйи жаҳон!

Муҳитдин Қори Ёқубов Ҳамзанинг қўшиғини биринчи бўлиб ижро этиб, Туркистон фронтидаги жангчиларни ва умуман революцион оммани жанговарлик, мардликка даъват этади.

Ўша йиллари ҳаваснор созандалардан тузилган духовой оркестр ўз фаолияти билан революция ишига яқиндан ёрдам берарди. Муҳитдин Қори Ёқубов оркестрда кларнет чаларди, ҳам қўшиқчи ҳам созанда сифатида танилганди.

1922 йили Муҳитдин Қори Ёқубов севикли Ватанимизнинг пойтахти — Москвага йўл олади. У ерда В. Э. Мейерхолд раҳбарлигидаги студияда, Давлат театр институтида таҳсил кўради, артистлик маҳоратини ва ашулачилик малакасини оширади.

Москва концерт залларида В. Маяковский, Н. Обухова каби рус совет адабиёти ва санъати арбоблари иштирокида ўтказилган неча ва концертларда қатнашади, пойтахт томошабинларининг диққатини ўзига жалб этади, уларни Ўзбекистон халқ санъати ва янги музикаси билан таништиради.

1923 йили Муҳитдин Қори Ёқубов ҳаётида унутилмас қувончли воқеа юз берди, у Туркистон Совет Республикасининг халқ ҳофизи фахрий унвонига сазовор бўлди.

1925 йили совет артистлари Парижда бўлиб ўтган бутун дунё декоратив санъатининг виставкасига борадилар. Улар орасида Муҳитдин Қори Ёқубов ва унинг шогирди Тамарахоним ҳам бор эди. Санъаткорларимиз у ерда халқимизнинг энг нодир-нафис лапар ва рақсларини ижро этиб, томошабинларни мамнун этадилар.

1926 йили Муҳитдин Қори Ёқубов раҳбарлигида ўзбек этнографик ансамбли ташкил қилинади. Халқимиз орасида танилган, обрў-эътибор қозонган санъат усталари бу ижодий коллективнинг аъзолари эдилар. Жумладан, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Тамарахоним, Мария Кузнецова, Тўхтасин Жалилов, Абдуқодир Исмоилов, Уста Олим Комилов, Аҳмаджон Умурзоқов, Ҳожи Сиддиқ Исломов, Зуҳур Қобулов, Гавҳар Раҳимова, Миршоҳид Мироқилов, Бобораҳим Мирзаев ва бошқалар концерт программаларининг бой ва ранг-баранг бўлиши йўлида астойдил хизмат қиладилар.

Кейинчалик мазкур ансамблда тарбия олган артистлар, созандалар — Ҳамза номидаги Республика Академик драма театри, музикали давлат театри, Ўзбекистон давлат филармониясининг ташкил этилишида асосий куч бўлиб қолдилар.

1939 йилдан бошлаб Муҳитдин Қори Ёқубов биринчи Ўзбекистон давлат музикали театрининг директори ва бадиий раҳбари лавозимида ишлади ва музикали драма, кейинчалик опера ва балет жанрларининг равнақ топишига муносиб ҳисса қўшди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Республика ҳукуматининг ташаббуси билан Москва Давлат консерваторияси ҳузурида ўзбек опера студияси ташкил қилинди. 1934 йилдан бошлаб Муҳитдин Қори Ёқубов ана шу студияга директорлик қила бошлади. Маълумки, бу студияда ва Москва Давлат консерваториясида Ҳалима Носирова, Саодат Қобулова, Муҳтор Ашрафий, Мутал Бурҳонов, Карим Зокиров, Ғулом Абдураҳмонов, Толибжон Содиқов, Саттор Ярашев, Асад Азимов Тоштемир Шарипов, Роза Юсупова сингари санъаткорларимиз ўқидилар, музика, бастакорлик ҳамда вокал санъатини ўргандилар.

1936 йили республикамизнинг санъат ва адабиёти ходимлари Москвада ўз декадаларини ўтказиш учун қизғин тайёргарлик ишлари бошлаб юбордилар. Ўзбекистон давлат музикали театри «Гулсара», «Фарҳод ва Ширин» музикали драмаларининг янги вариантларини саҳналаштирди.

1936 йилнинг август ойида Ўзбекистон Давлат филармонияси ташкил этилди. Муҳитдин Қори Ёқубов республика филармониясининг биринчи директори бўлиб ишлади. Шу даврда филармония концертларида Муҳитдин Қори Ёқубовнинг Тамарахоним билан биргаликда ижро этган ашула, дует ва лапарлари янада баравж жаранглаб турди, улар юксак ижрочилик маҳоратлари билан томошабинларнинг қизғин олқишларига сазовор бўлдилар.

Республика концерт ташкилотида кўп йиллар раҳбарлик қилган Муҳитдин Қори Ёқубов ташаббуси билан музикали лекторий ҳам ташкил топди. «Шашмақом» ва аския кечалари ўтказилди, совет композиторларининг асарлари, классик ва халқ музикасини кенг миқёсда пропаганда қилиш авж олиб кетди.

Москва, Ленинград, Боку, Уфа, Қозон шаҳарлари ва бошқа қардош совет республикалари шаҳарларида ўтказилган концертларда Муҳитдин Қори Ёқубов айниқса «Яша Шўро!», «Ҳой ишчилар!», «Азизим», «Ғайро-ғайро» каби қўшиқларни усталик билан ижро этиб, ўзининг ширали овози билан ҳаммани қойил қолдирар, сеҳрлаб қўярди.

Драматург Комил Яшин либреттоси асосида саҳналаштирилган «Сайл ва колхоз тўйи» инсценировкаси — ўзбек халқининг санъатини ифода этди, халқлар дўстлигини тасвирлади, декада кунларида эса, у москвалик юксак дидли ва талабчан томошабинларнинг диққат марказида бўлди. Бу асарнинг муваффақиятли чиқишида уни саҳналаштиришда раҳбарлик қилган, қатнашган устозлар Маннон Уйғур, Тўхтасин Жалилов, Н. Н. Миронов, Ятим Бобожонов, Сора Эшонтўраева, Лутфулла Нарзуллаев, Миршоҳид Мироқилов, . Х. Икромов, М. А. Гвоздиковлар қаторида Муҳитдин Қори Ёқубовнинг ҳам ҳиссаси катта бўлганини қониқиш билан таъкидлаб ўтамиз.

Партия ва ҳукуматимиз 1939 йили Ўзбекистон давлат опера ва балет театрини ташкил қилиш ҳақида қарор чиқарди. Муҳитдин Қори Ёқубов бу янги театрнинг ташкил этилишида актив фаолият кўрсатди. Театр спектаклларида йирик ва мураккаб ролларни ижро эта бошлади.

Ўзбекистон ССР халқ артисти фахрий унвонига муяссар бўлган Муҳитдин Қори Ёқубов театр саҳнасида қатор образларни усталик билан яратди. Бу ўринда етук санъаткор ижро этган бир қатор ранг-баранг ролларни эслатиб ўтмоқ ўринли бўлади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Муҳитдин Қори ижобий ролларни ҳам, салбий ролларни ҳам қиёмига етказиб ўйнарди. У яратган ижобий образлар: Султонбек («Аршин мол олон»да), Навфал («Лайли ва Мажнун» операсида) Ер Тарғин — шу номдаги қозоқчадан таржима қилинган операда, Одил («Ўзбекистон қиличи» спектаклида), Маҳмуд Торобий — шу номдаги операда; салбий образлар: генерал губернатор — (биринчи ўзбек операси — «Бўрон»да) ҳамда Хисров — («Фарҳод ва Ширин» операсида) ва бошқалар эди.

Муҳитдин Қори Ёқубов ҳар бир ролнинг музикаларини ўзлаштиришда, вокал техникасини оширишда, эмоционал ижро этилишида, речитативлардаги поэтик сатрларни аниқ, дона-дона қилиб, тингловчига тўла етиб боришини таъминлашда зўр маҳорат кўрсатарди. Ҳар бир образга хос муносиб хусусиятларни топа билишда, унинг ички дунёсини очишда, драматург вазифаларини адо этишда тинмай ишлар, изланарди.

Шунинг учун опера санъатини севадиган томошабинлар, жамоатчилик вакиллари, музикашунослар санъатшунослар, танқидчилар Муҳитдин Қори Ёқубов яратган образларини — мустақил ва мураккаб ролларни қизғин, самимий қабул қилдилар ва артистнинг маҳорати, усталиги, талантига таҳсинлар ўқидилар, ашулачилик — вокал техникасини мукаммал ўзлаштирган профессиональ ижрочини қутладилар, унинг номини юксак қадрладилар.

Муҳитдин Қори Ёқубов оташин ташкилотчи, ташаббускор ходим, меҳнатсевар санъаткор, одампарвар театр ва музика арбоби бўлиб танилди. «Правда» газетаси 1937 йил 1 июнь сонида босилган бош мақоласида шундай ёзган эди: «...Эндиликда ажойиб ўзбек артистларидан Қори Ёқубов, дирижёр Ашрафий, кекса моҳир доирачи Уста Олим ва бошқа санъат усталарининг номлари Бутун Иттифоққа маълум ва машҳурдир».

Эртага республика жамоатчилиги Муҳитдин Қори Ёқубовнинг туғилганига 70 йил тўлишини кенг нишонлайди, унинг номини ҳурмат билан эсга олади.

Муҳитдин Қори Ёқубов сингари моҳир санъат усталарининг меҳнати, баракали ижодий мероси халқимиз томонидан доимо юксак қадрланади.

Юнус РАЖАБИЙ,
Ўзбекистон ССР халқ артисти, академик, композитор.
Товур ЖУМАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, музикашунос.

Николай КУЛИКОВ.

ОДАМЛАР

Жимжит.
Хиралашар чўл сўқмоқлари,
Янтоқлар устига қўнади оқшом.
Елкамда милтиғим,
Ёвшан шохлари
Урилар-у,
Кўзимга кўринмас тамом.
Сукунат.
Тиканак япроқларида
Ҳорғин чигирткалар ўтирар мудраб.
Булут йўқ
Осмоннинг қовоқларида,
Тепалик қораяр,
Шунда ялтираб
Сузиб чиқар секин кўкдан бир
юлдуз.
Борлиққа таралар
Салқин бир ҳаво.
Тоқатим тоқ бўлар,
Чўл ётар жонсиз,
Милтиқ ҳам жимликдан зерикар
гўё.
Шошаман.
Дафъатан қўзғатар сурон,
Туялар сув ичар,
Жўнгина челак...
Қудуқ атрофида дам олар карвон,
Гулханда ловуллар чақир тиканак.
Юз йилами қадрдон
Дўстим кўргандай
Таклиф қилишади мени таомга.
Шу чоқ
Юрагимга қуёш киргандай
Ҳарорат югурар
Музадай танамга...

ЯНГИ УЙ

Деворлар
Юксалар қаватлар оша,
Бурчак — юз метрлик оппоқ
шам худди.
Қурилиш оралаб айлан бир, ошна,
Ҳатто
Бир дона ғишт ишлатилмади!
Келтиради яхлит бетондан девор
Уч тоннали чайир,
Полвон машина.
Елкасини тутгач фил кран—девкор
Кўтармалар равоқ,
Айланма зина.
Воқ, машъали тонг нафосатига,
Атрофга кўз ташла,
Назар сол.
Фақат лой қоримас,
Қанот боғлаб орзулар қанотига
Топмоқдамиз бизлар
Кундан-кун камол.

Ю. Шомансур таржималари.

Лайлак келди ёз бўлди.

Н. Глауберзон фото этюди.

«ШАЙДО АЙЛАГАН ҚИЗ»

Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё область ўзбек давлат музикали драма театри ижодий коллективи яқинда ўз репертуарини яна бир янги асар билан бойитди. Шоир Ёргин Мирзонинг «Шайдо айлаган қиз» номли 4 парда 6 кўринишли драмасини саҳналаштириб, кенг жамоатчилик диққатига ҳавола этди.

Инқилоб мавзуига бағишланган бу асар тарихий-романтик драма тарзида талқин этилган. Ўзбек қизи Иқболнинг бахтга, нурга интилиши, ўзбек ишчи синфи вакилларининг озодлик, ҳақ-ҳуқуқ йўлидаги курашлари саҳна воситасида жонлантирилади.

А. ЮСУПОВ.

ТАҚРИЗ

БЎРОНЛИ ЙИЛЛАР ХОТИРАСИ

Бадиий автобиографик қиссанавислик бизда яхши анъана бўлиб қолди. Кекса адибимиз Назир Сафаровнинг «Кўрган-кечирганларим» қиссаси ҳақида фикр юритмоқчимиз. Маълумки, Н. Сафаров Жиззахда туғилган, унинг болалик йиллари ўша қадимий шаҳарда кечган. Эсини таниб энди оқ-қорани ажратадиган бўлганда она юртда жуда муҳим ўзгаришлар рўй беради, ёш Назиркул машҳур Жиззах воқеаларини ўз кўзи билан кўради.

Бу воқеалар бўлғуси адиб ҳаётида жуда чуқур из қолдирган, ёзувчи уларни ҳамиша зўр ҳаяжон билан эслайди. Бу мавзуга у кўп марта қўл урган. Болаликда кўрган-кечирганларини қаламга олар экан, ёзувчи хаёлини яна ўша унутилмас ҳодисалар банд этади, халқ ғалаёни табиий равишда қиссанинг асосий мундарижасига айланади. Асарни маълум маънода Жиззах қўзғолонининг бадиий хроникаси деб аташ мумкин. Шу тариқа Н. Сафаров автобиографик қиссачиликка бутунлай янги материал олиб кирди. Бу ҳол «Кўрган-кечирганларим»га алоҳида хусусият бахш этган.

Н. Сафаров очеркист сифатида машҳур, у натурадан «кўчириб ёзиш»га моҳир. Адиб нарса ва ҳодисаларни ўз номи билан атайди, ясама ситуациялар ахтармайди, қизиқарли сюжетлар кетидан қувмайди, воқеалар ҳаётда қандай юз берган бўлса айнан шундайлигича гавдалантиради.

«Кўрган-кечирганларим»ни бошқа автобиографик қиссалар билан умумий томонлари ҳам кўп. Қисса одатдагидек қаҳрамоннинг ҳаёт ҳақидаги содда таассуротларидан бошланади. Бу ерда ҳам қашшоқ оила, серуқубат турмуш, оилавий икир-чикирлар, катта ва кичик можаролар, эски мактаб, илк сабоқ, ўқиш ва ўқитишдаги тартибсизликлар...

Ёш қаҳрамон оила, мактаб доирасидан чиқиб, секин-аста катта ҳаёт томон қадам қўяди. Унинг нигоҳи олдида бу кўҳна олам бутун тароватлари, зиддиятлари, нафосат ва хунуклиги, қувонч ва ташвишлари билан намоён бўлади. Уруш, эл ночинч, қашшоқлик, зулм-зўравонлик ҳаддан ошган. Сабр косаси тўлиб тошган оломон секин-аста ҳаракатга келади. Ёзувчи халқ оммаси онгидаги ўзгаришларни кўрсатувчи ёрқин деталлар, лавҳалар келтиради. Кечагина ҳоким тўрани қабул қилишда сафга тизилиб таъзим билан бош эгган, золимлардан инсоф тилаган оломон бугун уларнинг юзига тик боқади, одатда диний расмларини жойига қўйилган оломон бугун тартибини бузиб азон вақтида ҳам ҳаракатдан тўхтамайди, ҳатто рўза ва намозни ҳам унутади... Мардикор ҳақидаги хабар халқни ларзага солади, халқ қалбидаги туғён бўронга айланади, ғалаён бошланади.

Ёзувчи бу улкан халқ ҳаракати манзарасини батафсил чизади, ғалаён моҳиятини атрофлича таҳлил этади.

Жиззахнинг кенг коппон майдони исёнкор оломон билан тўлиб-тошган. Деярли бутун шаҳар аҳолиси бу ерга ҳайдаб келинган. Оломон саратон селида куйиб қовжираб ётган сувсиз, гиёҳсиз чўлга бадарға қилинади. Мусибатларга гирифтор бўлган оломон энг оғир дамларда ҳам яхши фазилатларини — бир-бирига бўлган меҳр-оқибатини, ҳаётга, истиқболга, озодликка бўлган ишонч-эътиқодини сақлаб қолади. Халқдаги ишонч, эътиқод ва аччиқ тажриба уни янги курашларга ундайди.

Автор асарга охирги нуқтани қўйган эмас, уни давом эттирмоқчи; энг ҳаяжонли, мураккаб ва улуғвор воқеалар ҳали олдинда.

Умарали НОРМАТОВ.

Ёшлар ижодидан

ЮРАК

Сенга бердим ихтиёримни,
Бор бисотим сенинг қўлингда,
Ҳар дақиқам, лаҳза, онимни
Сарф этурман сенинг йўлингда.
Қўшиғимга қуёш тафтин бер,
Кўзларимга олам сеҳрини,
Бир ишқ берки, Ватан, она — ер
Алмасин мендан меҳрини.
Отеллоча рашк бермасанг ҳам,
Бергил менга катта муҳаббат,
Ҳиссиз, ишқсиз яшамай бир дам,
Орзу бўлсин дилимда қат-қат.
Қилмоқ бўлсанг йўлимни равшан,
Курашга бур қадамларимни.
Ёшлигимни совурмагин сен,
Эъзоз тутгил шўх дамларимни.
Кимки сенинг измингга тутмаса
Уни қўрқоқ дейишар шаксиз.
Умидим шу, азиз одамлар,
Демасинлар мени юраксиз.

Қодир ДЕҲҚОНОВ.

КОММУНИСТ

Коммунист даврининг буюк
одами,
Яратиш ишқи бор тилакларида.
Чўлга баҳор элтар унинг қадам
Антейнинг қудрати билакларида,
Коммунист — фазогир,
Денгизлар тубида у тунаб ке
Афсоналар қолдир унинг олд
Коммунист парвози юксакда бу

Курашлар, зафарлар йўлларида
Елкасига олган у даврим юки
Ер шарин тақдири қўлларида

ҚАЛБИМ ДЕЙДИ

Қалбим дейди, кураш били
Иродангни чархла қили
Тўлқинларни енганг били
Машаққатлар кўринсин
Айтганимни қилмасанг б
Керагим ҳам қолмас бу т
Лозим бўлса, ҳақиқат учу
Бруноден ёнгин гулхан

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМДАГИ ЖАНГЛАР

ПАРИЖ, 15 август. (ТАСС). Жанубий Вьетнам ватанпарварлари Америка армияси ва Сайгон қўшинларининг Сайгонга туташган районларидаги позицияларига ҳужум қилишни давом эттирмоқдалар. Франс-Пресс агентлиги Сайгон мухбирининг хабар беришича, бугун кечаси Сайгондан 80 километр шарқи-шимолда (Лонгкхань вилояти) Сайгон армиясининг позицияси тўплардан ўққа тутилди. Сайгон армияси 18-дивизиясининг таълим маркази ва полк команда пункти миномёт ва тўплардан ўққа тутилди.

Сайгондан 70 километр чамаси жанубда Чукзиангда жойлашган АҚШнинг ҳарбий-ҳаво базаси ва Жанубий Вьетнам пойтахтидан 240 километр жанубда (Меконг дарёси дельтаси райони) Кайнуок таянч пункти ҳам оғир тўплардан ўққа тутилган. Ўққа тутиш натижасида Америка армияси ва Сайгон қўшинлари қисмлари анча талафот кўрганлар.

ҲИНДИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ НУТҚИ

ДЕҲЛИ, 15 август. (ТАСС). Ҳиндистон президенти Зокир Ҳусайн мустақиллик куни муносабати билан радио орқали нутқ сўзлаб, Ҳиндистон ўтган йили ўз экономикасини ривожлантиришда анча катта муваффақиятларга эришганлигини айтди. Аммо, «қишлоқ хўжалиги ва саноатдаги тараққиёт даражаси мамлакатни ҳали фақирликдан қутқазгани йўқ. Биз ҳали кўп иш қилмоғимиз керак», деб таъкидлади у.

Зокир Ҳусайн Ҳиндистон халқини ҳозирги пайтда мамлакатда рўй бераётган ҳар қандай сепаратчилик тенденцияларига қарши кураш олиб боришга чақирди. «Ўзига ишонч ва миллий онг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда зарур ўзгаришлар ясаш учун жуда катта куч бўла олади», деди у. Президент мамлакат олдида турган катта вазифаларни бажармоқ учун бутун халқ зўр ғайрат ва ҳамкорлик билан ишлаши зарур, деб уқтириб ўтди.

СОФИЯ ФЕСТИВАЛИНИНГ ВАКИЛЛАРИ ПАРИЖДА

ПАРИЖ, 16 август. (ТАСС). Ёшлар ва студентларнинг IX жаҳон фестивалида жаҳоннинг 143 мамлакатидан келиб қатнашган 20 минг киши махсус делегация ташкил қилиб, бу делегацияга барча ёшлар Америка империалистларининг Вьетнамдаги жиноий агрессиясини тўхтатиш учун курашиш ниятида эканлигини Парижда бирбири билан суҳбат ўтказаётган Вьетнам Демократик Республикаси ва АҚШ вакилларига айтишни топширди.

Бугун «Юманите» газетасида босилган хабарда айтилишича АҚШ вакиллари планета ёшлари анжумани вакиллари билан учрашишдан бош тортганлар.

14 августда делегацияни дейилади газетанинг хабарида, Вьетнам Демократик Республикасининг министри Суан Тхюй бошчилигидаги вакиллари қабул қилган. Фестиваль қатнашчилари бутун прогрессив ёшлар Вьетнам халқининг қаҳрамонона кураши билан бирдамлигига Вьетнам вакилларини тўла ишонтирдилар.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ВЕНАДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ВЕНА, 16 август. (ТАСС). Космик фазони тадқиқ қилиш ва ундан тинч мақсадларда фойдаланиш масалаларига бағишланиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўтказаётган конференция бу ерда ўз ишини давом эттирмоқда. Конференцияда совет делегациясининг бошлиғи А. А. Благонравов «Ернинг биринчи сунъий йўлдошлари космик даврни бошлаб берди ва космосни тинч ўзлаштиришни янада ривожлантирди» деган мавзуда доклад қилди. «1961 йилдаёқ, яъни Ернинг биринчи сунъий йўлдоши учирилганидан кейин орадан атиги уч ярим йил вақт ўтгач, деди докладчи, Совет Иттифоқининг биринчи космонавти Ю. А. Гагарин космосга учди. Сўнгра космосга бир қанча саёҳатлар қилинди». А. А. Благонравов космосни ўзлаштиришда одамнинг бевосита иштирок қилаётганлиги туфайли космик фазони тадқиқ қилишда вужудга келган афзалликларни айтиб берди.

Конференциянинг кечаги ялпи мажлисида «Космонавтнинг профессионал фаолияти тўғрисида» доклад қилган космонавт-учувчи А. А. Леонов давомли қарсаклар билан кутиб олинди. Бу докладни биринчи бўлиб космосга чиққан Юрий Алексеевич Гагарин ёзган эди. Докладда одамнинг космосни ўзлаштиришдаги ҳал қилувчи роли уқтириб ўтилди.

«Космонавтлик касби тинчликка хизмат қилувчи касб бўлиши лозим, деди докладчи. Ҳар сафар космосга учиш чоғида олиб борилган тадқиқотларнинг тажрибаларидан Ер юзида ҳаётнинг равнақи учун фойдаланиш зарур».

Космонавт-учувчи А. А. Леонов докладини тамомлагач, Ойдаги Бўронлар океани номини ўзгартириб, уни Гагарин океани, деб аташни совет космонавтлари номидан таклиф қилди.

А. А. Леонов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти конференциясининг ишини ёритаётган журналистларнинг илтимоси билан чақирилган матбуот конференциясида ҳам гапирди.

ВЕНГРИЯ ТЕЛЕГРАФ АГЕНТЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

БУДАПЕШТ, 16 август. (ТАСС). Венгрия телеграф агентлиги хабар беради: венгер ва совет армияларининг алоқа қўшинлари Венгрия Халқ Республикаси территориясида биргаликда машқлар ўтказадилар. Машқларда Венгрия Халқ армиясининг ва Венгрия территориясида вақтинча жойлашган совет қўшинларининг ажратилган штаблари ва бўлинмалари қатнашадилар.

Машқ қатнашчилари машқлар давомида жанговар вазиятнинг мураккаб шароитларида бошқаришнинг замонавий воситаларини қўлланиш соҳасида ўз билимларини кенгайтирадилар ва биргаликда ҳаракат қилиш масалаларини такомиллаштирадилар.

МОСКВА кинематографчилари «Борис Савинковнинг иши» деган кенг экранли, икки серияли фильмни суратга олмоқдалар. В. Ардаматский, Е. Смирнов, В. Чеботаревлар сценарийси асосида суратга олинаётган бу фильм тарихий материалларга асосланган. Бош роль — чекист Фёдоров ролида РСФСР халқ артисти Юрий Яковлевни, Борис Савинков ролида эса РСФСР халқ артисти В. Самойловни кўрасиз. Яқинда суратчилар группаси Париждан қайтиб келишди. Суратда: қадимий Париж кўчаларида суратга олиш пайти.

Б. Дадвадзе фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ЕВРОПАДА ТИНЧЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАТЪИЙ ҚАРОР БЕРИЛДИ

БЕРЛИН, 15 август. (ТАСС). «Нойес Дойчланд» газетаси бугунги бош мақоласида қуйидагиларни ёзади: Олти коммунистик ва ишчи партиянинг Братиславада биргаликда қабул қилинган баёноти Европада тинчликни таъминлашга қатъий қарор берилганлигини ифода қилади. Социалистик мамлакатлар империализмнинг агрессив сиёсатига қарши турли, ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши учун кураш олиб бораётганликларини таъкидлаб, газета бундай деб ёзади: Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси В. Ульбрихт ташаббуси билан ГДР Халқ палатасининг Германия Федератив Республикасига қарата қабул қилган таклифлари шу мақсадларга хизмат қилади. Бу таклифлар ҳам иккала герман давлатининг тинч-тотув яшашини ва Европа хавфсизлигини таъминлашни кўзда тутади.

Бунинг учун, деб уқтириб ўтади газета, БОНН бутун немис халқи номидан якка ўзи иш кўриш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисидаги даъволардан воз кечиши ва иккала герман давлатининг мавжудлигини таниш ҳамда ҳуқуқий тенглик асосида ГДР билан тинч-тотув яшаш сиёсатини ўтказиши лозим. Германия Демократик Республикаси Халқ палатасининг мажлисига киритилган янги таклифлар худди шу мақсадни кўзлайди.

«Нойес Дойчланд» жаҳон жамоатчилиги Германия Демократик Республикасининг бу таклифларини кенг қўллаб-қувватлаётганлигига эътиборни жалб этиб, қуйидагиларни ёзади: Бу ҳол тинчликни сақлашга интилаётган халқларнинг Европадаги реал аҳволни таниш ғоясини тобора кенг қўллаб - қувватлаётганликларини исбот қилади. Шу муносабат билан газета БОННнинг «Шарқдаги янги сиёсат» — деб аталган сиёсатининг реваншчилик руҳида эканлигини фош қилади.

ЯНГИ НАЦИСТЛАР ВА КАСАБА СОЮЗЛАРИ

БЕРЛИН, 15 август. (ТАСС). Янги нацистларнинг национал-демократик партияси Ғарбий Германиядаги касаба союзларига қарши ҳужумни кучайтирмоқда. Мамлакатдаги йирик монополиялар қўллаб-қувватлаётган бу партия Ғарбий Германия касаба союзлари бирлашмасининг сафини бузишга очиқдан-очиқ даъват этмоқда. Ана шу бирлашма сафларида 6.5 миллиондан ортиқ киши бор. АДН агентлигининг мухбири шу тўғрида Ганноверда хабар беради.

Янги нацистлар ўзларининг ёшлар ташкилотини тузмоқчи бўладилар. Бу ташкилот мамлакатдаги касаба союзларга ва бошқа демократик кучларга қарши кураш олиб бориши керак. Бундан ташқари улар «ўз касаба союзлари»ни тузмоқчи бўладилар. Масалан, фон Тадден партиясининг расмий органи «Дойчи нахрихтен» газетаси национал-демократик партиянинг ҳамма тарафдорларини Ғарбий Германия касаба союзлари бирлашмасидан ташқарида турган «тоқат қилиб бўладиган касаба союзи»га бирлашишга чақирди. Газета национал-демократик партиянинг касаба союз ишчиларига доир «низом ва талаблари»ни баён қилади. Бу низом ва талабларда «корхона эгаси ва ишчининг садоқат юзасидан оладиган мажбурияти» тўғрисида», «социал шерикларнинг манфаатларини тенглаштириб бориш» ҳақида ва «синфий курашни тамомила бартараф қилиш» тўғрисида гап борганлиги эътиборни жалб этади.

ГДРни ТАНИШ УЧУН

БРЮССЕЛЬ, 15 август. (ТАСС). Валлони касаба союзларининг органи «Валлони» газетаси қуйидагиларни ёзади: Ғарбий Германиянинг барча немислар номидан иш кўриш ҳуқуқи тўғрисидаги сафсаталарини чиппакка чиқариб қўйиш зарур. Бунда гап идеологик проблема тўғрисида эмас, балки Европанинг марказида хавфсизлик ўрнатиш тўғрисида бораётир, деб таъкидлайди газета.

Германия Демократик Республикаси, дейилади мақолада, жаҳондаги саноат давлатлари қатори 9-10 ўринни эгаллаб турибди. Биз, европаликлар учун, деб ёзади «Валлони» газетаси, Германия Демократик Республикасининг территория ҳақидаги даъволарни ва бошқа хилдаги даъволарни ҳеч қачон илгари сурмаганлиги жуда катта аҳамиятга эгадир. Фақат Германия Демократик Республикасигина нацизмни қораламоқда.

Газета Германия Демократик Республикасини мустақил давлат сифатида танишга чақиради.

ИСПАНИЯДА ЎЛИМ ЖАЗОСИ ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ

ЛОНДОН. Испания ҳукумати хусусан шимолий вилоятларда Франкога қарши анча кучайиб кетган ҳаракатни бостиришга интилиб, қаттиқ репрессия чораларини кўра бошлади. Рейтер агентлиги мухбирининг Мадриддан хабар беришича, Франко ҳукумати қисман ҳарбий ҳолат ва ўлим жазосини жорий қилган ва бу билан бир неча йил илгари бекор қилинган 1960 йилги қонунни яна тиклаган Бу қонун «бандитизм ва терроризм»га қарши қаратилган эди. Ана шу қонунга мувофиқ, ҳарбий суд «ҳарбий исён кўтариш»да айбдор, деб топган ҳар қандай кишига ўлим жазоси беришни ёки турли муддатларга турмага қамашни кўзда тутади. Бундай тадбирни ҳар қандай маънода тушуниш мумкин, чунки қонун «ёлғон ёки ғаразли овозалар» тарқатувчи шахсларга ҳам тааллуқлидир.

Рейтер агентлиги мухбирининг хабаридан маълум бўлишича, Испания ҳукуматининг янги тадбири аввало, Испаниянинг басклар яшайдиган вилоятларига қарши қаратилган. Бу вилоятларда мустабид марказий ҳокимиятга қарши қаҳр-ғазаб кун сайин кучайиб бормоқда. (ТАСС).

АДДИС-АБЕБАДАГИ МУЗОКАРАЛАР

АДДИС-АБЕБА, 16 август. (ТАСС). Нигерия федерал ҳукуматининг вакиллари билан ажралиб чиққан Шарқий Нигерия режими вакиллари ўртасида можарони бартараф қилиш мақсадида ўтказилаётган музокаралар кеча кечқурун тўхтатилиб номаълум вақтга кечиктирилди. Бу ерда эълон қилинган расмий хабарда айтилишича, Эфиопия императори Хайле Селассие I Нигерия ва Шарқий Нигерия режими ҳукуматлари бошлиқларини бевосита музокаралар олиб бормоқ учун келаси ҳафта Эфиопияга таклиф қилган. Шу билан бирга император Африка бирлиги ташкилотининг Нигерия масаласи билан шуғулланувчи давлатларнинг бошлиқларини ҳам Эфиопия пойтахтига таклиф қилган. Маҳаллий кузатувчилар бу чорага баҳо бериб, Нигериядаги танглики бартараф қилиш йўлида олиб борилаётган музокаралардаги танглики енгиш учун қилинган яна бир уриниш деб айтмоқдалар.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ—РУМИНИЯ ШАРТНОМАСИ ИМЗОЛАНДИ

ПРАГА, 16 август. (ТАСС). Бугун Прагада Чехословакия Социалистик Республикаси билан Румыния Социалистик Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома имзоланди. Румыния Социалистик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси, Румыния Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Николае Чаушеску ва Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти Людвик Свобода имзолаган бу шартнома 20 йил муддатга тузилди. Чехословакия телеграф агентлиги хабар беради: шартномада аҳдлашувчи томонларнинг Европа давлатлари ўртасидаги мавжуд чегараларнинг даҳлсизлиги Европада хавфсизликнинг асосий шартларидан биридир ва ҳар икки томон империалистик, милитаристик ва реваншчилик кучлари агрессиясининг олдини олиш учун зарур бўлган барча чораларни кўрадилар, деган баёноти бор.

ФРАНЦИЯНИНГ ЖАНУБИДАГИ ЎРМОНЛАРДА ЁНҒИНЛАР

ПАРИЖ, 16 август. (ТАСС). Франция жанубидаги бир қанча районлардаги ўрмонларда ёнғин чиқди. «Монд» газетасида босилган хабарда айтилишича, Антибаға яқин жойда бўлган жуда катта ёнғин натижасида 80 гектардаги қарағай дарахтлари ва чакалакзорлар ёниб кул бўлди. Марсельнинг шимолида, Бонсон яқинида ва бошқа жойларда ҳам ёнғинлар бошланди.

ҲИСОБ КЎПАЙИБ БОРМОҚДА

ХАНОЙ, 16 август. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги хабар беради: Вьетнам Демократик Республикаси ҳаво ҳужумидан мудофаа қисмлари Куангбинь вилояти осмонида кеча Американинг 3.098-самолётини уриб туширдилар.

ЮЖИН МАККАРТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 16 август. (ТАСС). АҚШ президентлиги лавозимига демократик партиядан номзод бўлишни даъво қилаётганлардан бири бўлган сенатор Южин Маккарти кеча бу ерда ўтказилган матбуот конференциясида гапириб, Вьетнамдаги уруш демократик партиянинг съездида асосий, энг аҳамиятли масала бўлади, деди. Маккарти, мен демократик партиянинг сайлов олди программасига Вьетнамдаги урушни тўхтатишни таъминлайдиган таклифларни киритишга ҳаракат қиламан, деди.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

● БОЛГАРИЯ

Болгариядаги 260 дан кўпроқ корхона 1 августдан бошлаб, 5 кунлик иш ҳафтасига ўтишди. Бу корхоналарда 220 минг ишчи ва хизматчи ишламоқда. Дастлабки ўн кунлик иш тажрибаси шуни кўрсатдики, иш нормал бораётир, ишлаб чиқариш топшириқлари тўла ва ошириб бажарилмоқда. Ишчилар коллективларининг ўртасида мусобақа ва коммунистик меҳнат ҳаракати кучайиб кетди.

1969 — 1970 йилларда мамлакатдаги барча корхоналар беш кунлик иш ҳафтасига ўтадилар.

● ВЕНГРИЯ

Учинчи беш йиллик планнинг биринчи ярми мобайнида Венгрияда 142 минг квартира қурилди. Шундай қилиб, 15 йилга мўлжалланган программанинг биринчи ярми давомида 420 мингдан кўпроқ квартира қурилди.

Замонавий технология жорий қилинганлиги туфайли уй-жой қурилиши суръатлари анча жадаллаштирилди. Беш йиллик планда 300 минг квартира қуриш кўзда тутилади.

● РУМИНИЯ

Румыния токзорларида мўл узум ҳосили пишиб етишмоқда. Баҳор ва ёз иссиқ келганлиги туфайли узум одатдагидан 15-20 кун олдин пишиб етилди. Узумнинг хўраки навлари магазинларга келтира бошланди.

Одобешти, Фокшани, Панчу, Мурфатларе токзорларида узумнинг вино тайёрланадиган ажойиб навлари ўсмоқда. Вино тайёрловчилар рекорд миқдорда узум қабул қилиб олишни мўлжалламоқдалар.

● ЮГОСЛАВИЯ

Обреновац шаҳри яқинида қурилаётган иссиқлик электростанцияда турбинани монтаж қилиш ишлари бошланди. Электростанцияни ускуналашда совет ва чехословак корхоналари қатнашмоқда.

Келгуси йилнинг ўрталарида дастлабки ток олинади, электростанция биринчи навбатининг қуввати 420 минг киловатт бўлади. (ТАСС).

ОБ-ҲАВО

Бугун Ўзбекистонда ҳаво очиқ бўлади. Ғарбий районларда ҳамда Қорақалпоғистон АССРда ҳаво ўзгариб туради. Жанубий-шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. 33-38 даража иссиқ бўлади. Жанубий районларда ҳарорат 40 даражагача кўтарилади.

Тошкентда ҳаво очиқ келиб, ҳарорат 36—38 даража иссиқ бўлади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО
БУГУН

18 АВГУСТДА
СССР ҲАВО ФЛОТИ КУНИ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

7.45 — «Бу ҳамманинг иши» (суҳбат), 8.25 — Концерт (Ҳаво флоти кунига бағишланади), 9.30 — Қўшиқлар, 10.30 — Гражданг Ҳаво флоти Ўрта Осиё территориал бошқармаси бошлиғи А. Ғозиназаров сўзи, 10.40 — Куйлар, 11.15 — «Табассум» (радиожурнал), 12.15 — «Эрталабки салом» (Москва), 13.30 — Концерт (Ҳаво флоти ходимлари учун, рус.), 15.00 — «Ҳаво йўлларида», 15.10 — Концерт (авиаторларнинг талабига мувофиқ), 16.10 — «Кашмир афсонаси» (повесть асосида радиопостановка), 17.40 — Экран янгиликлари, 18.00 — Концерт (халқ ҳофизлари), 18.40 — И. С. Бах. «Скрипка ва фортепьяно учун соната, 19.20 — Шарқ куйлари, 20.00 — «Ёшлик» радиостанцияси, 20.30 — Қўшиқлар, 21.00 — Дунё харитаси олдида, 21.10 — Концерт (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 22.20 — «Табассум» (такрорий эшиттириш), 23.10 — Концерт.

19 АВГУСТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 — Концерт, 7.40 — Зокиржон Обидов чалади 8.25 — Қўшиқлар, 9.15 — «Оила ва қонун», 9.30 — Камер асарлар, 9.50 — «Комсомол 50 йиллигини муносиб кутиб олайлик» (тож.). 10.30 — Қўшиқлар, 11.15 — «Коммунистлар ва иқтисодий ислоҳот» (рус.), 11.25 — Симфоник поэмалар, 12.15 — Грузия радиосининг эшиттириши, 13.30 — Куйлар, 16.10 — А. Навоий туғилган куннинг 525 йиллиги олдидан «Навоий асарлари саҳнада», 16.50 — «Правда» газетасининг обзори, 17.00 — Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари учун (тат.), 17.20 — Ҳосил тўплаш ойлиги. Концерт (қоз.), 18.00 — «Совет кишиларининг саломатлиги ҳақида партия ғамхўрлиги» (суҳбат), 18.10 — Концерт, 19.20 Концерт (Охунбобоев номидаги Андижон область театри артистлари ижросида), 20.00 — «Ёшлик» радиостанцияси (рус.), 20.40 — Концерт (ёшлар учун), 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат, 21.10 — Концерт (қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари учун), 22.30 — «Мудҳиш айбнома» (Ҳамза номли театр спектаклининг монтажи), 23.20 — Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ
БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 10.00 — **Мультфильм** (болалар учун), 10.20 — **Уйлаб топ** (кичкинтойлар учун), 10.50 — **Алавуддиннинг сеҳрли лампаси** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 12.10 — **Улар Ватанимиз учун курашганлар** (болалар учун), 12.30 — **Уч бақалоқ** (бадиий фильм), 14.05 — **Буни ҳар ким билиши керак** (рус тилида), 18.55 — **Кўрсатишлар программаси**, 19.00 — **«Ахборот» информацион программаси** (рус тилида), 19.30 — **Миниатюралар телевизион театри** («Ёшлик» студияси), 20.30 — **«Ахборот» информацион программаси**, 21.00 — **Санъат усталари. Муҳиддин Қори Ёқубов.**

22.30 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

12.00 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 дан — **Фрунзе кўрсатади.**

19 АВГУСТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.55 — **Кўрсатишлар программаси**, 19.00 — **Бахтимиз учун курашганлар** (болалар учун, ўзбек тилида)

Рус тилида: 19.30 — **Телеянгиликлар**, 19.45 — **Осмон ишқибозлари, сизлар, учун** (Совет Армияси жангчилари учун), 20.05 — **Бизнинг интервью**, 20.25 — **А. Навоий туғилган куннинг 525 йиллиги олдидан. Алишер Навоий қўлёзмалари**, 20.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Ўзбек тилида: 21.00 — **Телеянгиликлар**, 21.15 — **Ярим аср йилномаси. 1948 йил** (кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм), 22.00 — **Ҳосилни машина билан йиғиб-териб оламиз** (пахтакорлар учун), 22.20 — **Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари Тошкент конференциясининг X йиллиги олдидан. Я. Камол. Инжа Мамад** (телевизион театр).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан **Москва кўрсатади.**
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

19.00 — **Қопқон** (телефильм, рус тилида)

20.05 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Душанба кўрсатади.**

20.15 — **Москва кўрсатади.**

21.00 дан — **Душанба кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 18/VIII да **Қирқ қиз.** МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/VIII да **Гули сиёҳ.** 19/VIII да **Тошболта ошиқ.**

КИНО

Бадном (эрталаб соат 11, кундуз 3, 5, кеч 7 ярим ва 9.15 минутда), **Тошкент, Зилзила** (кундуз соат 1 да) — САНЪАТ САРОЙИ.

Яна севги ҳақида — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (Кундуз ва кечқурун).

Чингачгук — катта илон — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2, 4 ва кеч 6 да). **Воевод Шмидт болалари** — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), **Майор Вихрь** — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Валентин Кузяевнинг шахсий ҳаёти — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 12, кеч 8, 9.45 минутда).

ЁЗГИ БИНОДА

Яна севги ҳақида — «ФЕСТИВАЛЬ».

Майор Вихрь — «ХИВА», НАВОИЙ номли

Яхши жойлашибсан — ТЕЛЬМАН номли

НАВОИЙ ШАҲРИДА
25-26 августда

ЎЗБЕКИСТОН ССР ТЎРТИНЧИ ЧИҚАРИЛИШ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИНИНГ

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ

Тиражда умумий суммаси 877500 сўмлик 542500 ютуқ ўйналади, шу жумладан: 5 «Волга», 10 «Москвич-422», 5 «Запорожец» автомашиналари, 20 «М-63» ва «ИЖ-Планета» мотоцикллари, пианинолар, «ЗИЛ-Москва», «Днепр», «Саратов» холодильниклари, телевизорлар, радиоприёмниклар, радиолалар, магнитофонлар, мотовелосипедлар, кир ювиш машиналари, фотоаппаратлар, гиламлар, гилам поёндозлар ва шу каби кўпгина қимматли буюмлар ва пул ютуқлари бор.

ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГИЗ!

СССР Газ саноати министрлиги «Средазнефтегазстрой» трестининг
4-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА
дурадгорлар, ғишт терувчилар, бетончилар, сувоқчи-бўёқчилар, ёрдамчи ишчилар, слесарь-сантехниклар, электр монтёрлари. (Иш ҳақи-ишбай асосида тўланади) **прораблар, қурилиш усталари, техник-механиклар, инженер-электриклар**

КЕРАК

Ишга келганларга вагон-уйдан жой берилади.

Ишга келишга кетган сумманинг қиммати тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-115 Муқимий кўчаси, 98-уй 6 п/б, кадрлар бўлими.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА КОЛХОЗЛАРАРО ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ «УЗКОЛХОЗСТРОЙ»
бирлашма аппаратида ишлаш учун
инженерлар: саноат ва граждан қурилиши, иқтисодчилар, транспорт ва механизация бўйича; бош бухгалтер ўринбосари, иқтисодчилар, иқтисодчи — молиячилар, юрист-консультантлар, техник-қурувчилар, машинисткалар, стенографисткалар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 11-уй, кадрлар бўлими.

ҲАМЗА НОМЛИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ
ТЕЗ КУНДА
50-МАВСУМИНИНГ ОЧИЛИШИ
Янги бинода.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА
21, 22 август кеч соат 7 яримда
СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН
«Қайрат» (Олма-Ота) — **«Пахтакор»** (Тошкент) командалари ўртасида
ФУТБОЛ
26 август кеч соат 7 да
СССР кубоги учун
«Шахтёр» (Донецк) — **«Пахтакор»** (Тошкент) командалари ўртасида
ФУТБОЛ
Олдиндан билет сотиш кассаси 20 августгача очиқ.

29 август кеч соат 7 да
ФУТБОЛ БЎЙИЧА
Покистон (терма) — **«Пахтакор»** (Тошкент) командалари ўртасида
ХАЛҚАРО УЧРАШУВ

БИЗНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОНЛАР: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — В38545. Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323. Масъул секретарь — В34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283. Партия турмуши — В33469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — В31216. Халқаро ҳаёт — В37604. Коммунистик тарбия — В31455. Саноат капитал қурилиш ва транспорт — В34780. Совет қурилиши — В33258. Қишлоқ хўжалиги — В37604. Адабиёт ва санъат — В32036, В37221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451. Маҳаллий ахборот ва спорт — В32347. Оммавий ишлар ва хатлар — В38679, В33553. Иллюстрация — В34524. Стенографистка — В37343. Корректура — В37162. Эълонлар — В38142. Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В3025[illegible], В30254, В30255, В30256, В30257, В30258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон 48—85, Бухоро 31—41, Қарши 22—82, Нукус 42—62, Самарқанд 31—872, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ — Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Б. № — 193. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64683. Р — 02719.